Вилт касаллигини келиб чиқиш сабаблари, тарқалиши, ғўза ўсимлиги экиладиган кўпчилик майдон тупроқлари таркибида *Verticillium dahliae* Kleb. нинг ҳар хил тур ва ирқлари мавжудлиги ҳақида маълумотлар кўплаб адабий манбаларда келтирилган. Бундай ҳолатда ғўзанинг толерант, яъни полимер генлар боғламли блокларига эга бўлган навлар яратиш ўта зарур ва фойдалидир. Чунки, бу каби навлар вилтнинг бир неча ирқларига чидамли бўлиб, улар турли тупроқ иқлим минтақаларда ҳосилдорликни сақлаб қолади. Вилт касаллигига бардошли навлар яратиш учун ёввойи ғўза турларини дурагайлашга жалб этиш ва дурагайлаш орқали чидамлилик генларини маданий навлар генотипига ўтказиш муҳимдир. Ђўзанинг ёввойи ва ярим ёввойи турлари касалликка анча бардошли бўлиб, *G. thurberi* Tod. ва *G. raimondii* Ulbr. турларини дурагайлашга жалб этган ҳолда вилт касал-

лигига юқори даражадаги бардошлиликка эга дурагай ўсимликлар олинганлиги адабиётларда келтирилган.

Вилт касаллигини келиб чиқиш сабаблари, тарқалиши, ғўза ўсимлиги экиладиган кўпчилик майдон тупроқлари таркибида *Verticillium dahliae* Kleb. нинг ҳар хил тур ва ирқлари мавжудлиги ҳақида маълумотлар кўплаб адабий манбаларда келтирилган. Ђўзанинг мавжуд ёввойи ва маданий турларини ўрганиш, ёввойи турлардаги ноёб белги хусусиятларни маданий навлар генотипига ўтказиш, ғўза дурагайлари, тизма ва навларини турли стресс омилларга бардошлилик даражасини баҳолаш, мураккаб генетик асосга эга дурагайларда белги хусусиятларни ирсийланиш ва ўзгарувчанлик қонуниятларини аниқлаш масалаларини маҳаллий ва хорижий олимлар тадқиқотларида кўришимиз мумкин. Жумладан, Абдуллаев А.А., Ризаева С.М. ғўза ўсимлигини фойдали бўлган белгилар билан бойитишда, бир-биридан генетик жиҳатдан узоқ бўлган ёввойи, ярим ёввойи турларнинг ўзига хос нодир белги хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда географик жиҳатдан узоқ ва турлараро дурагайлашни амалга ошириш муҳимлиги (Абдуллаев, 1974; Ризаева, 1996; Мирахмедов, (1972) томонидан ғўзанинг толерант, яъни полимер генлар боғламли блокларига эга бўлган навларини яратиш, вилтнинг бир неча ирқларига чидамли ва турли тупроқ иқлим минтақаларда ҳосилдорликни сақлаб қолиши аниқланган (Мирахмедов, 1972).

Намозов Ш.Э. тадқиқотларида *G. thurberi* Tod x *G. raimondii* Uldr амфидиплоидини эркин ҳолда кўпайтириш ва маданий турга мансуб навлар билан чатиштириш натижасида кўп миқдорда вилтга чидамли шакллар ажратиб олинган бўлса (Намозов, 2014), С.Ф.Бобоев тадқиқотларида ғўзанинг *G. thurberi* Tod. ва *G. raimondii* Ulbr. турлари тупроқ шўрланиши, сув танқислиги, вилт касаллиги ва бошқа омилларга табиий бардошли эканлиги келтирилиб, улар иштирокида ноёб белги хусусиятларга эга бўлган тупроқ

шўрланишига ва вилтга чидамли навлар яратиш мумкинлиги исботланган (Бобоев, Муратов 2016).

Kanniah Rajasekaran ва бошқ. ғўзанинг GhGLP2 генининг фузариоз ва вертициллёз вилтга ҳамда стресс шароитларига қарши ўсимликларни ҳимоя қилишда иштирок этишини тасдиқлашган бўлса (Kanniah Rajasekaran, 2005), Helen G. бошчилигидаги олимлар вилт касаллигини кўзғатувчи замбуруғнинг вирулентлиги билан боғлиқ генларни аниқлаш ва молекуляр ўрганиш устида тадқиқотлар олиб боришган (Helen, 2006).

МАТЕРИАЛЛАР ВА УСЛУБЛАР

Юқоридагиларни эътиборга олиб, ғўзанинг турли геном гуруҳларига мансуб турлар иштирокидаги турларо мураккаб дурагайлари синтез қилиш, дурагай авлодларида белги хусусиятларни ирсийланиши, шаклланиши ва ўзгарувчанлик қонуниятларини ўрганиш юзасидан тадқиқотлар олиб борилиб, диққатга сазовор илмий-амалий натижалар олинди. Мазкур мақолада, янги генетик асосда синтез қилинган 4 геномли $\{(G. thurberi \text{ Tod. } \times G. raimondii \text{ Ulbr.}) \times G. arboreum \text{ L.}\} \times G. hirsutum \text{ L.}\}$ мураккаб турларо дурагайлари юқори авлодларида вилт касаллигига бардошлиликни ўрганиш юзасидан тадқиқотлар таҳлили келтирилган. Дурагайлашда иштирок этган С-6524 ва Омад навлари *G. hirsutum* L., Термиз-31 нави *G. barbadense* L. турига мансубдир.

Вилтга бардошлилик даражасини аниқлашда назорат нави сифатида вилтнинг ҳар хил ирқларига турлича бардошлиликка эга бўлган *G. hirsutum* L. турига мансуб С-4727, Тошкент-6, Камолот-79 ва СП-1303

навлари иштирок этди. Олинган натижаларга Доспехов қўлланмаси асосида математик ишлов берилган (Доспехов, 1985).

НАТИЖАЛАР ВА МУНОЗАРА

Вилт касаллигини келтириб чиқарувчи ирқлар билан сунъий зарарланган тупроқ шароитида 60 тадан ўсимлик ўстириб ўрганилди. Вилтнинг биринчи ирқига андоза нав С-6524 нави ушбу ирқга чидамсиз эканлиги аниқланиб, касалланиш даражаси 68,3 % ни ташкил этди. Ўрганилган оила ва тизмаларнинг вилт касаллигига бардошлилиги турлича бўлиб, биринчи ирқга О-312-313/18 (71,6 %), Камолот-79 (36,2 %), Л-267 (35,4 %) оилалари чидамсиз эканлиги аниқланиб, уларнинг ушбу ирқ билан касалланиш даражаси индикатор С-4727 ва андоза Тошкент-6 навидан сезиларли равишда юқори бўлди. Т-1306, Л-248/18, Л-5 тизмалари ва О-61/23, О-87-91 оилалари эса вилтнинг биринчи ирқига бардошли эканлиги аниқланиб, уларнинг касалланиш даражаси тегишли равишда 8,9 %; 6,14 %; 18,6 %; 12,4 %; 16,8 % га тенг бўлди.

Вилтнинг иккинчи ирқи билан эса О-312-313/18, О-61/23, Л-267 тизма ва оилалар бошқа барча нав, оила ва тизмаларнинг зарарланиш даражаси индикатор ва андоза навлардан сезиларли равишда паст бўлиб, ушбу ирқига бардошли эканликлари аниқланди. СП-1303 (8,3 %), О-87-91/18 (12,4 %), О-61/23 (12,6 %) оилалари ва Камолот-79 (13,4 %) тизмаси вилтнинг ушбу ирқига бардошли эканлигини намоён этди.

Фарғона вилоятидаги зарарланган ўсимликлардан ажратиб олинган вилтнинг 3 ва 4 ирқларига О-61/23 оила, Т-1306 тизма, Камолот-79 ва СП-1303 нави

жадвал

Ўзанинг мураккаб турларо дурагайлаш асосида олинган оила ва тизмаларининг вилт касаллиги билан касалланиши, % (лаборатория шароитида)

№	Оила ва тизма	N	Тошкентда етиштирилган ўсимликлардан ажратилган ирқлар				Фарғонада етиштирилган ўсимликлардан ажратилган ирқлар				Бухорода етиштирилган ўсимликлардан ажратилган ирқ	
			1		2		3		4		5	
			M±m	V%	M±m	V%	M±m	V%	M±m	V%	M±m	V%
1	Камолот-79	60	36,2±1,27	12,24	13,4±0,74	26,56	7,31±0,56	51,90	11,3±0,75	25,78	10,6±0,45	16,31
2	К-1308	60	8,9±0,19	46,48	52,4±3,87	36,51	73,3±4,56	16,51	13,3±3,65	38,72	12,1±1,6	25,55
3	Л-267	60	35,4±1,87	36,51	48,3±2,39	72,49	42,3±2,30	44,26	16,8±1,16	37,26	14,6±0,26	53,95
4	О-61/23	60	28,3±1,56	51,90	12,6±0,26	16,31	15,4±1,32	29,81	12,1±0,54	44,72	10,4±0,42	34,74
5	Л-5	60	16,8±1,07	10,64	18,3±0,94	41,06	51,6±4,26	53,95	71,6±5,32	10,50	15,6±1,04	20,53
6	Л-248/18	60	12,4±0,45	44,72	21,6±1,32	34,74	45,6±2,41	46,48	13,3±0,77	11,13	9,3±1,30	44,26
7	О-312-313/18	60	71,6±4,18	24,03	66,2±3,41	20,49	26,8±1,04	55,13	43,3±2,18	44,26	39,6±1,56	18,16
8	О-87-91/18	60	6,14±0,21	15,49	12,4±0,74	18,37	32,6±1,26	16,31	14,3±0,56	14,53	9,28±0,65	13,49
9	Т-1306	60	18,6±1,10	30,61	19,1±1,24	15,49	12,3±0,66	20,49	15,2±1,2	24,94	18,3±0,95	14,38
10	СП-1303	60	30,4±1,56	45,41	8,3±0,26	14,92	12,6±0,84	18,16	15,4±0,91	11,15	6,5±0,19	15,21
12	С-6524 st	60	68,3±2,32	11,01	45,2±2,61	19,63	38,2±0,98	18,16	71,6±4,18	20,53	52,2±3,32	10,50
13	С-4727	40	90,5±4,47	7,02	82,5±2,91	3,27	70,4±3,24	20,41	65,4±4,08	23,09	48,6±2,12	51,63
14	Тошкент-6	60	22,5±1,6	36,6	31,6±1,42	20,53	45,4±2,10	20,20	19,6±1,02	27,93	65,4±4,32	12,77

бардошли эканлиги кузатилиб, вилтнинг 3-ирқи билан касалланиш даражаси 7,31 % дан 15,4 % гача бўлган ораликда жойлашди бу эса индикатор ва андоза навлардан сезиларли равишда пастдир. 3-ирқи билан энг юқори касалланиш К-1308 (73,3 %) оиласида кузатилди. Шунингдек, вилтнинг 3-ирқи Л-267 тизмаси ҳам нисбатан бардошсиз эканлиги аниқланди ва унинг вилтнинг ушбу ирқи билан касалланиш даражаси 42,3 % ташкил этди.

Вилтнинг 4-ирқи Камолот-79, О-87-91/18, L-248/18, О-61/23 ва К-1303 оилалари бардошли бўлиб, уларнинг касалланиш даражаси 11,3 %-14,3 % оралигида бўлди. Бу эса ушбу оилаларнинг индикатор ва андоза навларга нисбатан бардошлилик даражаси юқори эканлигини кўрсатади.

Сунгги йилларда вилтнинг Бухоро ирқи (5-ирқ) анча агрессив эканлиги ва ўза ўсимлигига катта зарар етказётганлиги маълум бўлди. Шу сабабли вилтнинг Бухоро вилояти ҳудудидаги касалланган ўсимликлардан ажратиб олинган 5-ирқи янги ирқ бўлиб, ўсимликлар айнан шу ирқ билан зарарлантирилган муҳитда ҳам ўрганилди. Вилтнинг 5-ирқи андоза ва индикатор навларнинг анча бардошсиз эканлиги аниқланди. Вилтнинг 5-ирқи билан индикатор С-4727 навининг ўсимликлари 48,6 % касалланган бўлса, андоза С-6524 навининг ўсимликлари тегишли равишда 52,2 % касалланганди. Геномларо дурагайлаш асосида олинган нав, оила ва тизмалар вилтнинг 5-ирқи анча

бардошли эканлигини намоён бўлди (жадвал).

Айниқса, СП-1303 ва Камолот-79 навлари, L-248/18 тизмаси ҳамда О-87-91/18, О-61/23 оилалари ушбу ирққа бардошли эканлигини кўрсатиб, уларда вилт билан касалланиш даражаси тегишли равишда 6,5 %, 10,6 %, 9,8%, 9,28%, 10,4 % ни ташкил этди. Нисбатан юқори касалланиш О-312-313/18 оиласи (39,6 %) да кузатилиб, уларнинг ҳам касалланиш даражаси индикатор ва андоза навлардан сезиларли равишда паст бўлди. Умуман олганда, олинган натижалар вилтнинг 5-ирқи геномларо дурагайлаш орқали олинган нав, тизма ва оилалар бардошли эканлигини кўрсатди.

Вилт касаллигининг ўрганилган 5 та ирқи бўйича таҳлил қилинганда, ўзанинг индикатор ва андоза навлари барча ирқларга бардошсиз эканлиги ва деярли барча ирқларда юқори даражада касалланганлиги аниқланди.

ХУЛОСА

Ўрганилган генотиплар орасида СП-1303, Камолот-79 навлари ва О-87-91/18, О-61/23 оилалари вилтнинг 5 та ирқи ҳам бошқа оила ва тизмаларга нисбатан бардошлиликни кўрсатди. Таҳлиллар ушбу оила ва навлар генотида ёввойи турлардаги табиий чидамлилик хусусияти шаклланганлиги ва чидамлиликни таъминлаб берувчи генлар ҳисобига вилтнинг турли ҳудудлардан келтирилган ирқларига ҳам бардошлиликни кўрсатди, дейишга асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ризаева С.М. Отдаленная гиридизация хлопчатника и получение новых доноров (на примере новосветских видов).: Автореф. Дисс.докт. биол. наук.-Т.: 1996.-50 с.
2. Мирахмедов С.М. Разработка метода выведения вилтоустойчивых сортов хлопчатника и внедрение их в производство. //В.сб. Генетика хлопчатника.- Ташкент. -1972. -С.89-97.
3. Намозов Ш.Э., Бабаев С.Г. Эффективность сложной межвидовой гибридизации в селекции хлопчатника. //Изд-во "Nison-Noshir"-Ташкент.-2014. -179 стр.
4. Бобоев С.Ф, Муратов Ф.А. Ўзани турларо мураккаб дурагайлаш // Монография, «Nishon-Noshir» нашриёти. –Тошкент. -2016. -178 б.
5. Kanniah Rajasekaran, Jeffrey W Cary, Jesse M Jaynes, Thomas E Cleveland. Disease resistance conferred by the expression of a gene encoding a synthetic peptide in transgenic cotton (*Gossypium hirsutum* L.) plants. Plant Biotechnol J. 2005 Nov; 3(6):545-54. doi: 10.1111/j.1467-7652.2005.00145.x.
6. Helen G. Mcfadden, Iain W. Wilson, Robin M. Chapple, Caitriona Dowd. Fusarium wilt (Fusarium oxysporum f. sp. vasinfectum) genes expressed during infection of cotton (*Gossypium hirsutum*). Molecular Plant Pathology Volume 7, Issue 2 p. 87-101. doi.org/10.1111/j.1364-3703.2006.00327.x.
7. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. - Москва: Агропромиздат, 1985. –351 с.

Муаллифлар ҳақида маълумот:

Бобоев Сайфула Ғафурович – биология фанлари доктори, профессор, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Тошкент, Ўзбекистон E-mail: boboyev.1979@mail.ru

Тошпулатова Гулноза Касимжановна – биология фанлари номзоди, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Тошкент, Ўзбекистон E-mail: guloy290795@mail.ru

Поступило в редакцию 18.12.2024

УЎТ: 633.511:575.127.2:581.148.154

**ДЎЗАДА ГЕНОМЛАРАРО ДУРАГАЙЛАШ АСОСИДА ОЛИНГАН
ОИЛА ВА ТИЗМАЛАРНИНГ ШЎРЛАНИШГА БАРДОШЛИЛИГИ****СОЛЕОУСТОЙЧИВОСТЬ СЕМЕЙ И ЛИНИЙ, ПОЛУЧЕННЫХ
НА ОСНОВЕ МЕЖГЕНОМНОЙ ГИБРИДИЗАЦИИ****SALT TOLERANCE OF FAMILIES AND LINES OBTAINED
ON THE BASIS OF GENOMIC HYBRIDIZATION**

*Бобоев Сайфулла Ғафурович, биология фанлари доктори, профессор
Тошпулатова Гулноза Касимжановна, биология фанлари номзоди*

*Бобоев Сайфулла Ғафурович, доктор биологических наук, профессор
Тошпулатова Гулноза Касимжановна, кандидат биологических наук*

*Boboyev Sayfulla Gafurovich, Doctor of Biological Sciences, Professor
Toshpulatova Gulnoza Kasimjanovna, PhD in Biological Sciences*

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Национальный Университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

Аннотация. Мазкур мақолада географик жиҳатдан узоқ дурагайлаш асосида ғўзада олинган оила ва тизмаларни шўрланишга бардошлилик бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган. Тадқиқотнинг объекти сифатида ғўзанинг *G. thurberi* Tod., *G. raimondii* Ulbr., *G. arboreum* L., *G. hirsutum* L. ва *G. barbadense* L. турлари иштирокида олинган мураккаб генетик асосга эга 13 та оила ва тизмалардан фойдаланилди. Ўрганилган ғўза нав, оила ва тизмаларининг уруғлари шўрланишга бардошлилиги билан бир қаторда турли концентрацияли озиқа муҳитида ўстирилган ниҳоллар бўйи улчанди. Юқори концентрацияли шўрланиш муҳитида ҳам ижобий унувчанликка эга бўлган О-117-125/18, О-87-91/18, Камолот-79 ва СП-1303 га мансуб ўсимликлар бўйи бошқа намуналардан фарқ қилган ҳолда нисбатан баланд бўйли эканлиги ва ниҳолларнинг ривожланишига шўрланиш даражасининг ортиши катта таъсир этмаганлиги аниқланди. Олинган натижалар асосида андоза С-4727 ва С-6524 навларида 250 м/моль озиқа муҳитида уруғ унувчанлиги 19,5 % ва 13,4 % га тенг бўлиб, бу О-117-125/18, О-87-91/18 ва Камолот-79 намуналарига нисбатан 2-3 баробарга паст эканлигини кўрсатади. Бундан хулоса қиладиган бўлсак, турли геном структурасига эга, бир нечта турлар иштирокидаги мураккаб дурагайларда шўрланишга бардошлиликни оширишда, чатиштиришда иштирок этган ёввойи турларнинг ижобий таъсири мавжудлиги аниқланди.

Калит сўзлар: ғўза, нав, дурагайлаш, турлараро мураккаб дурагайлаш, генотип, геном, толерантлик, бардошлилик, оила, тизма.

Аннотация. В статье представлены результаты исследований, посвященных формированию солеустойчивости семей и линий, полученных на основе географически отдаленной гибридизации. В качестве объекта исследования использованы 13 семей и линий сложной генетической основой, полученных с участием видов хлопчатника *G. thurberi* Tod., *G. raimondii* Ulbr., *G. arboreum* L., *G. hirsutum* L. и *G. barbadense* L. Измеряли солеустойчивость семян изучаемых сортов, семей и линии хлопчатника, а также рост проростков, выращенных на питательных средах с различной солевой концентрации. Растения О-117-125/18, О-87-91/18, Камолот-79 и СП-1303, имеющие положительную всхожесть даже в условиях высокой концентрации засоления, относительно высокорослые, в отличие от других образцов. Установлено, что повышение уровня засоления не оказало существенного эффекта. По полученным результатам всхожесть стандартных сортов С-4727 и С-6524 на питательной среде 250 м/моль составила 19,5% и 13,4%, что ниже по сравнению с образцами О-117-125/18, О-87-91/18 и Камолот-79 2-3 раз. Можно сделать вывод, что существует положительный эффект

диких видов, участвующих в скрещивании, в повышении солеустойчивости у сложных гибридов с различной структурой генома.

Ключевые слова: хлопчатник, сорт, гибридизация, сложная межвидовая гибридизация, генотип, геном, толерантность, семья, линия.

Abstract. The article presents the results of studies devoted to the formation of salt tolerance in families and lines obtained by geographically distant hybridization. The objects of the study were 13 families and lines with a complex genetic basis obtained with the participation of the cotton species *G. thurberi* Tod., *G. raimondii* Ulbr., *G. arboreum* L., *G. hirsutum* L. and *G. barbadense* L. were used. Salt tolerance of seeds of the studied varieties, families and lines of cotton, as well as the growth of seedlings grown on nutrient media with different salt concentrations were measured. Plants O-117-125/18, O-87-91/18, Kamolot-79 and SP-1303, which have positive germination even under conditions of high salinity, are relatively tall, unlike other samples. It was found that increasing the salinity level did not have a significant effect. According to the obtained results, the germination of the model varieties C-4727 and C-6524 on the nutrient medium 250 m/mol was 19.5% and 13.4%, which corresponds to 19.5% and 13.4%. is O-117-125/18, O-87 2-3 compared to samples -91/18 and Kamolot-79 shows that it is two times lower. In conclusion, it was established that there is a positive effect of wild species involved in crossing in increasing salt tolerance in complex hybrids with different genome structures.

Key words: cotton, variety, hybridization, complex interspecific hybridization, genotype, genome, tolerance, family, line.

КИРИШ

Ўзанинг ёввойи турлари абиотик ва биотик омилларга бардошли эканлиги кўплаб олимлар томонидан таъкидланган ҳамда улардаги бардошлилик хусусиятини дурагайлаш орқали маданий навларга ўтказиш мумкинлиги исботланган. Адабий манбаларда келтиришича бугунги кунга келиб дунёдаги умумий суғориладиган ер майдонларининг учдан бир қисми турли даражадаги шўрланишга эга эканлиги ва бу кўрсаткич йилдан-йилга ортиб бораётганлиги келтирилган. Айрим манбаларда Республикамиз суғориладиган майдонларининг қарийиб 60 фоизи турли даражада шўрланганлиги келтирилган (Қўчқаров, 2019; Разанов, 1948). Тупроқ шўрланишига ва вилтга чидамли навлар яратишда ёввойи ва ярим ёввойи ўза турларидан кенг фойдаланилган. Ўзанинг *G. thurberi* Tod., *G. raimondii* Ulbr., *G. arboreum*, *G. hirsutum* L. ва *G. barbadense* L. турларидаги ноёб белги хусусиятларни битта генотипга жамлаш орқали ноёб оилалар, тизмалар яратиш мумкинлиги бир қатор олимлар тадқиқотларида илмий асослаб берилган. (Арутюнова ва бошқ., 1988., Бобоев ва Муратов, 2017.) Жумладан, ўзанинг *G. thurberi* Tod. ва *G. raimondii* Ulbr. турлари тупроқ шўрланиши, сув танқислиги, вилт касаллиги ва бошқа омилларга табиий бардошли эканлиги келтирилган бўлиб, улар иштирокида ноёб белги хусусиятларга эга бўлган қатор оила ва тизмалар яратилган (Пулатов ва бошқ., 1990; Намазов, 2014). Кўплаб хорижий олимлар тадқиқотларида ҳам тўпроқ шўрланишига чидамлилик даражаси ўрганилган бўлиб, бардошлилик даражаси генотипга боғлиқ эканлиги, ўза гермоплазмасида табиий бардошли шакллар мавжудлиги, ўза генетикаси ва селекциясидаги замонавий ва классик усулларни қўллаш орқали шўрланишга бардошли шаклларни олиш ва бу орқали катта муаммони ечиш мумкинлиги таъкидланган (Wang et al 2004., Ahmad et al 2002).

Мазкур оила ва тизмаларнинг шўрланишга бардошлилигини ўрганиш юзасидан лаборатория шароитларида тажрибалар ўтказилиб чуқур тадқиқотлар олиб борилди. Мазкур мақолада турли геномларга мансуб ёввойи ва маданий турлар ҳисобига бойитилган оила ва тизмаларнинг шўрланишга бардошлилигини лаборатория шароитларида ўрганиш бўйича олинган натижалари таҳлил қилинди.

Шўрланиш ҳам турлича бўлиб, иқлими иссиқ ва қуруқ бўлган минтақаларда натрий, кальций ва магнийларнинг хлоридли, сульфатли ҳамда карбонатли тузлари учраши, шўр тупроқлар анионларнинг нисбатига кўра хлорид-сульфатли, сульфат-хлоридли, хлоридли, сульфатли, карбонатли бўлиши мумкинлиги Н.А.Разанов тадқиқотларида асослаб берилган. Бундай тупроқларда асосий катионлар натрий ва кальций бўлиб, магний-карбонат ва магний-хлоридлар ҳам учрайди. Бу тузлардан натрий-карбонат (Na_2CO_3) ва натрий-гидрокарбонат (NaHCO_3) ўсимликларга кўпроқ зарарли таъсир этиши, айниқса уларнинг униб чиқишига катта салбий таъсир этиши ёритилган (Разанов, 1948).

Юқоридагиларни инобатга олиб, турли биотик ва абиотик омилларга табиий бардошли бўлган ёввойи ўза турлари генотипи таъсирида бойитилган геномлараро оила ва тизмаларнинг тўпроқ шўрланишига бардошлилигини аниқлаш юзасидан тадқиқотлар олиб борилди.

МАТЕРИАЛЛАР ВА УСУЛЛАР

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзанинг *G. thurberi* Tod., *G. raimondii* Ulbr., *G. arboreum* L., *G. hirsutum* L. ва *G. barbadense* L. турлари иштирокида олинган мураккаб генетик асосга эга 13 та оила ва тизмалардан фойдаланилди. Тадқиқотлар давомида ўза генетикаси ва селекциясининг классик усуллари, солиштирма морфология, фенологик кузатувлар ҳамда генетик-статистика таҳлиллари усулларида фойдаланилган. Олинган натижаларга Доспехов қўлланмаси асосида

математик ишлов берилган (Доспехов, 1985.).

НАТИЖАЛАР ВА МУНОЗАРА

Шўрланган тупроқ шароитида биринчи навбатда ниҳол олиш муҳим масала ҳисобланади, чунки тўлиқ кўчат олиш орқали ҳосилдорликни ошириш имконияти ҳам пайдо бўлади. Юқоридагиларни инобатга олиб, турли биотик ва абиотик омилларга табиий бардошли бўлган ёввойи ғўза турлари генотиби таъсирида бойитилган геномлараро оила ва тизмаларнинг тупроқ шўрланишига бардошлилигини аниқлаш юзасидан лаборатория шароитида тадқиқотлар олиб борилди.

Оила ва тизмаларнинг шўрланишга бардошлилиги уларни аввало лаборатория шароитида турли туз концентрациясига эга шўрланган озиқа муҳитида ўстириб кўриш орқали, яъни турли концентрацияли шўрланган озиқа муҳитида чигитларнинг унувчанлик даражаси аниқланди. Чунки, шўрланган тупроқларда ғўза етиштиришда асосий эътибор тўлиқ кўчат олишга қаратилади. Ўрта ва кучли шўрланган тупроқларда барча ғўза нав намуналари ҳам униб чиқмайди ва чигит чириб кетади. Шу боисдан чигитларнинг унувчанлиги 5 хил (50м/моль, 100м/моль, 150м/моль, 200м/моль, 250м/моль) тузли концентрацияли озиқа муҳитида назорат варианты билан таҳлил қилинди. Ҳар бир озиқа муҳитига 40 дондан чигит экилди, андоза навлар сифатида ишлаб чиқаришда ўрта ва кучсиз шўрланган майдонларда экилаётган С-4727 ва С-6524 навлари олинди. Ўрганилган оила ва тизмаларнинг унувчанлиги назорат вариантыда 85,0 % (О-107-116/18) дан 95,6 % (О-117-125/18) гача оралиқда бўлиб, андоза навлар даражасида бўлди. 50 м/моль концентрацияли озиқа муҳитида унувчанлик назорат вариантыга нисбатан кескин пасайиш кузатилмаган бўлсада пасайиш мавжудлиги аниқланди. Яъни, 50 м/моль концентрацияли озиқа муҳитида унувчанлик 75,0 % (Т-1306) дан 90,0 % гача (О-87-91/18) бўлган оралиқда жойлашди. Озиқа муҳитида туз концентрацияси ошган сари унувчанлик даражасининг пасайиб бориши О-312-313/18, Т-1306 намуналарида аниқ намоён бўлди. Аксарият оила, тизмаларда ва назорат учун олинган навларда туз концентрацияси 200 м/моль ва ундан юқори бўлган муҳитда унувчанликнинг кескин тушиб кетиши аниқланди. Унувчанлик даражаси бўйича паст натижа 250 мМ муҳитда О-160-171/18 (5,4 %), О-312-313/18 (3,5 %) оилаларида кузатилган бўлса, О-132-141/18 оиласи мансуб чигитлар ушбу муҳитда униб чиқмаганлиги аниқланди (1-жадвал). Бундан ушбу оилалар тупроқ шўрланишига нисбатан бардошсиз эканлигини хулоса қилиш мумкин. Ижобий натижа эса О-117-125/18, О-87-91/18 оилалари ва Камолот-79 навида да кузатилиб, туз концентрацияси 250 м/моль га тенг озиқа муҳитида ҳам ушбу оила ва тизмаларнинг унувчанлиги 47,5-54,5 % оралиқда жойлашди.

1-жадвал
Турли концентрацияли тузли шароитда ғўзанинг мураккаб турлараро дурагайлаш асосида олинган оила ва тизмаларнинг унувчанлиги, % (лаборатория шароитида)

№	Оила ва тизма	N	0 м/моль (назорат)		50 м/моль		100 м/моль		150 м/моль		200 м/моль		250 м/моль	
			M±m	V%	M±m	V%	M±m	V%	M±m	V%	M±m	V%	M±m	V%
1	О-142-147/18	40	86,6±5,0	9,42	80,8±2,28	3,99	70,0±2,7	11,66	62,5±3,77	15,31	42,5±2,53	11,76	32,4±1,8	20,41
2	О-107-116/18	40	85,0±4,66	14,41	82,5±3,95	1,44	76,5±3,6	18,18	66,2±2,16	13,20	40,5±1,84	6,06	16,5±1,77	15,31
3	О-160-171/18	40	90,7±4,47	7,02	76,5±2,00	3,69	72,5±2,4	23,55	55,4±2,1	11,66	28,4±1,75	11,66	5,4±0,772	6,32
4	О-117-125/18	40	95,6±3,87	5,76	88,4±2,20	3,49	79,5±2,13	10,35	68,5±1,92	9,07	54,6±1,53	5,71	50,2±1,95	14,18
5	О-132-141/18	40	90±4,32	9,93	82,5±1,17	2,05	68,0±2,08	6,79	52,4±2,17	11,76	26,4±1,13	16,32	0	0
6	О-201-204/18	40	91,6±2,88	4,45	77,5±2,63	4,72	62,5±2,14	15,31	55,9±2,24	18,18	32,5±2,11	29,45	17,5±0,98	18,18
7	О-312-313/18	40	94,4±4,26	9,51	75,0±2,47	2,71	62,9±2,95	13,60	51,8±1,21	16,32	18,5±1,14	25,53	3,5±0,29	55,92
8	О-87-91/18	40	94,3±4,12	8,52	90,0±2,85	1,28	78,5±2,53	5,40	75,5±2,32	5,71	62,5±1,98	10,94	47,5±1,21	6,45
9	Т-1306	40	92,0±4,91	9,09	75,0±3,42	2,65	57,5±2,89	21,88	40,6±2,48	20,41	20,4±1,02	40,82	13,2±0,84	43,30
10	Камолот-79	40	91,6±4,95	10,72	87,5±3,85	1,28	80,8±3,46	10,20	69,5±2,34	12,35	52,4±2,6	31,57	50,5±1,54	21,88
11	СП-1303	40	90,8±3,48	9,93	87,5±3,53	2,22	80,0±1,43	5,12	72,5±2,43	10,35	65,4±2,65	9,07	54,5±2,04	14,18
12	С-4727	40	90,5±4,47	7,02	82,5±2,91	3,27	70,4±3,24	20,41	65,4±4,08	23,09	48,6±2,12	51,63	19,5±1,08	38,49
13	С-6524	40	91,6±3,95	10,72	80,0±2,97	1,51	67,5±2,77	12,35	55,4±2,52	7,69	36,5±1,26	13,20	13,4±0,89	23,47

2-жадвал

Ѓўзанинг мураккаб турлараро дурагайлаш асосида олинган оила ва тизмаларининг туз стрессдаги ўсимлик бўйи (лаборатория шароитида)

№	Оила ва тизма ва навлар	Туз концентрацияси					
		0 м/моль (назорат)	50 м/моль	100 м/моль	150 м/моль	200 м/моль	250 м/моль
1	O-142-147/18	11,16±1.2	11,26±0.5	7,57±2.3	8,63±2.2	6,61±2.3	3,15±1.2
2	O-107-116/18	10,02±0.6	9,58±2.5	5,86±0.7	4,97±1.6	3,11±1.2	2,77±0.5
3	O-160-171/18	10,63±0.8	9,74±1.0	9,10±1.6	8,41±0.9	5,00±0.9	3,35±0.4
4	O-117-125/18	12,93±2.2	12,43±3.2	10,11±1.8	8,28±0.6	6,84±0.7	5,32±1.6
5	O-132-141/18	10,34±1.6	9,05±0.6	3,58±0.9	4,25±1.5	3,95±1.5	
6	O-201-204/18	9,31±0.3	9,18±0.9	7,03±2.4	6,26±1.6	5,18±3.2	3,73±2.3
7	O-312-313/18	11,24±1.6	10,40±2.3	7,17±2.5	6,86±1.9	5,95±3.3	
8	O-87-91/18	12,89±1.5	12,35±1.5	9,55±3.1	8,38±0.8	6,97±0.5	5,48±1.7
9	T-1306	10,59±0.4	10,02±0.9	6,51±0.9	4,46±2.3	3,27±1.2	3,24±2.2
10	Камолот-79	9,52±2.3	9,14±0.6	8,94±1.1	8,35±3.1	6,45±2.4	6,52±2.6
11	СП-1303	10,17±1.9	10,52±1.4	9,63±2.6	9,14±2.4	8,69±0.8	7,13±0.8
12	C-4727	8,06±0.8	7,04±2.1	6,94±0.8	5,74±1.8	4,60±1.6	3,84±1.1
13	C-6524	8,46±1.2	8,09±1.5	4,86±0.6	4,31±0.8	4,17±1.7	3,65±0.9

Бошқа оила, тизмалар ва назорат навлардан фарқи равишда ушбу оила ва тизмаларнинг унувчанли туз концентрацияси ошириб борилган сари унувчанлик даражаси кескин пасайиб кетмади, яъни ушбу оила ва тизмаларда уруғ унувчанлиги назорат вариантыга нисбатан туз концентрацияси 250 м/моль озиқа муҳитида 40-45 % га паст бўлган бўлсада, бошқа намуналар ва андоза навларга нисбатан тўлиқ бардошли бўлди.

Андоза C-4727 ва C-6524 навларида 250 м/моль озиқа муҳитида уруғ унувчанлиги 19,5 % ва 13,4 % га тенг бўлиб, бу O-117-125/18, O-87-91/18 ва Камолот-79 намуналарига нисбатан 2-3 баробарга паст эканлигини кўрсатади. Бундан O-117-125/18, O-87-91/18 ва Камолот-79 навининг генотибида тупроқ шўрланишига бардошли бўлган генларнинг мавжудлиги ва бу уларнинг шўрланишга бардошлилигини таъминлашидан далолат беради. Назорат вариантыга нисбатан туз концентрацияси 250 м/моль озиқа муҳитида 40-45 % га паст бўлган бўлсада, бошқа намуналар ва андоза навларга нисбатан тўлиқ бардошли бўлди.

Ўрганилган ғўза нав,оила ва тизмаларининг уруғлари униб чиққандан 10 кун ўтиб, турли концентрацияли озиқа муҳитида ўстирилган ниҳоллар бўйи улчанди. Назорат вариантыда ўстирилган оила, тизма ва андоза навлар ўсимликларининг бўйи 8,06 см (C-4727) дан 12,9 см (O-117-125/18) гача бўлган ораликда эканлиги, бунда геномлараро дурагайлаш асосида олинган оила ва тизмаларга нисбатан андоза навларга мансуб ниҳолларнинг бўйи бироз паст бўлди. Андоза C-4727 ва C-6524 навларига мансуб ниҳолларнинг бўйи мос равишда 8,06 см, 8,46 см бўлган бўлса, Камолот-79

навида 9,52 см ҳамда O-201-204/18 оиласида 9,31 ни ташкил этди, қолган барча оила тизмалар ниҳоллари бўйи 10 см ортиқ бўлди. 50 м/моль туз концентрацияли озиқа муҳитида ўстирилган ниҳоллар назорат вариантыдан ўсимлик бўйи бўйича кескин фарқланмаган ҳолда назорат варианты даражасида бўлди. Туз концентрацияси 100 м/моль оширилган озиқа муҳитида эса ўсимликларнинг бўйи ҳам нисбатан пасайиб бориши, 200 м/моль концентрацияси эса ўсимлик бўйига янада салбий таъсир кўрсатиши аниқланди. O-107-116/18, O-132-141/18, T-1306 тизмаси ва андоза C-6524 навида 100 м/моль концентрацияли шўрланиш муҳитида ўсимликлар бўйининг кескин паст эканлиги ёки ривожланиши ўта суғуш давом этаётганлиги ва бу оила ҳамда тизмаларнинг шўрланишга бардошсиз эканлиги аниқланди. Ўрганилган аксарият оилалар ва андоза навлар ўсимликларининг бўйи 250 м/моль озиқа муҳитида 2,77 см дан 3,84 см гача бўлган ораликда жойлашиб, ўсимликларнинг ривожланишига шўрланиш даражасининг ортиб бориши катта таъсир кўрсатди.

Юқори концентрацияли шўрланиш муҳитида ҳам ижобий унувчанликка эга бўлган O-117-125/18, O-87-91/18, Камолот-79 ва СП-1303 га мансуб ўсимликлар бўйи бошқа намуналардан фарқ қилган ҳолда нисбатан баланд бўйли эканлиги ва ниҳолларнинг ривожланишига шўрланиш даражасининг ортиши катта таъсир этмаганлиги аниқланди (2-жадвал). Энг юқори 250 м/моль туз концентрациясига эга озиқа муҳитида ҳам юқорида кўрсатиб ўтилган оила ва тизмаларга мансуб ўсимликлар бўйи 5,32-7,13 см оралиғида бўлди. Юқори концентрацияли шўрланиш

муҳитда ўсимлик бўйи бўйича ижобий натижа СП-1303 ғўза навида кузатилиб, ушбу навга мансуб ўсимликлар 7,13 см ни ташкил этди. Бу эса андоза С-4727 ва С-6524 навларига нисбатан 3-3,5 см га ижобий кўрсаткичдир.

Шунингдек, ижобий натижа Камолот-79 навида ҳам кузатилиб, 250 м/моль озика муҳитида ўсимлик бўйи 6,52 см ни ташкил этди. Олинган натижалар асосида О-117-125/18, О-160-171/18, О-87-91/18 оилалари, Камолот-79 ва СП-1303 навлари генотипида ёввойи турларга хос табиий чидамлилиқ хусусияти мавжудлиги ва бу хусусият уларнинг шўрланишга бўлган

бардошлилигини таъминлаганлигини хулоса қилиш мумкин.

ХУЛОСА

Олинган натижалар асосида андоза С-4727 ва С-6524 навларида 250 м/моль озика муҳитида уруғ унвчанлиги 19,5 % ва 13,4 % га тенг бўлиб, бу О-117-125/18, О-87-91/18 ва Камолот-79 намуналарида нисбатан 2-3 баробарга паст эканлигини кўрсатади, О-117-125/18, О-87-91/18 ва Камолот-79 навининг генотипида тупроқ шўрланишига бардошли бўлган генларнинг мавжудлиги ва бу уларнинг шўрланишга бардошлилигини таъминлашидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қўчқаров О. Шўрланган тупроқ шароитида ўрганилган ғўза тизма ва F_3 дурагайларининг тола сифат кўрсаткичлари. AGRO ILM – журнали. Махсус сон. 2019. 5-6-б.
2. Арутюнова Л.Г., Пулатов М., Бабамуратов Х., Эгамбердиев А. Резерв для обогащения генофонда // Хлопок.– 1988.– №5.–С.43-45.
3. Бобоев С.Ғ., Муратов Ғ.А. Ёзани турлараро дурагайлаш. -Ташкент. - Изд-во "Nison-Noshir". -2017. 6-100 б.
4. Пулатов М., Арутюнова Л.Г., Эгамбердиев А. Значение различных видов и отдаленных гибридов в улучшении хозяйственно–ценных признаков хлопчатника // Сб. «Генетика и селекция растений». Тезисы докл 2–Всесоюзн. совещ. «Генетика развития» – Том 2, Ташкент, 1990.–С.126-127.
5. Намазов Ш.Э. Амалий ғўза селекциясида тур ичида ва турлараро мураккаб дурагайлашнинг генетик асослари: Автореф. дисс. д.с.х.н.–Ташкент, 2014.– 5-28 с.
6. Wang Kunbo, Liu Fang, Song Guoli. Interspecific germplasm introgression toupland cotton from wild species in China // International Cotton Genome Initiative ICGI–2004 Workshop, Book of Abstracts, 2004. –P.86-87.
7. Ahmad S., N.I. Khan, M.Z. Iqbal, A. Hussain and M. Hassan. 2002. Salt tolerance of cotton (*Gossypium hirsutum* L.). Asian Journal of Plant Sciences 1: 715-719.
8. Разанов Н.А. Развитие и современное состояние вторичного засоления почв в совхозе Пахтаарал. труды почвовед, Института. Ан. СССР. - 1948. –С.23-24.
9. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. - Москва: Агропромиздат, 1985. –351 с.

Муаллифлар ҳақида маълумот:

Бобоев Сайфула Ғафурович – биология фанлари доктори, профессор, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Тошкент, Ўзбекистон E-mail: boboyev.1979@mail.ru

Тошпулатова Гулноза Касимжановна – биология фанлари номзоди, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Тошкент, Ўзбекистон E-mail: guloy290795@mail.ru

Поступило в редакцию 18.12.2024

УДК: 633.511:581.169:631.523

НАСЛЕДОВАНИЕ СКОРОСПЕЛОСТИ У ВНУТРИ И МЕЖВИДОВЫХ ГИБРИДОВ ХЛОПЧАТНИКА, В ЗАВИСИМОСТИ ОТ ТИПА ПЛОДОВЫХ ВЕТВЕЙ

ЃЎЗАНИНГ ТУРИЧИ ВА ТУРЛАРАРО ДУРАГАЙЛАРИДА ТЕЗПИШАРЛИКНИ ҲОСИЛ ШОҲЛАРИ ТИПИГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА ИРСИЙЛАНИШИ

INHERITANCE OF PRECOCITY IN INTRA- AND INTERSPECIFIC COTTON HYBRIDS, DEPENDING ON THE TYPE OF FRUIT BRANCHES

Амантурдиев Алишер Балкибаевич, доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Мирахмедов Мирвахоб Садикович, кандидат биологических наук, доцент
Норов Бекзод Нематович, PhD, старший научный сотрудник
Амантурдиев Ботир Балкибаевич, кандидат сельскохозяйственных наук, с.н.с.
Эрматов Бобир Холбаевич, соискатель

Амантурдиев Алишер Балкибаевич, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Мирахмедов Мирвахоб Садикович, биология фанлари номзоди, доцент
Норов Бекзод Нематович, PhD, катта илмий ходим.
Амантурдиев Ботир Балкибаевич, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, к.и.х.
Эрматов Бобир Холбаевич, тадқиқотчи

Amanturdiyev Alisher Balkibaevich, doctor of agricultural sciences, professor
Mirakhmedov Mirvakhob Sadikovich, candidate of Biological Sciences, docent
Norov Bekzod Nematovich, philosophy doctor of agricultural science
Amanturdiyev Botir Balkibaevich, candidate of Agricultural Sciences, Senior Researcher
Ermatov Bobur Holbaevich, researcher

*Научно-исследовательский институт селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка**

*Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека***

Научно производственный центр по выращиванию и переработке лекарственных растений

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва этиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети

Доривор ўсимликларни этиштириш ва қайта ишлаш илмий ишлаб чиқариш маркази

*Cotton breeding, seed production and agrotechnologies research institute**

*National University of Uzbekistan named after M.Ulugbek***

Scientific and production center for the cultivation and processing of medicinal plants

Аннотация. В статье представлены полученные результаты по наследованию и изменчивости скороспелости в зависимости от типа плодовых ветвей у внутри и межвидовых гибридов хлопчатника. Установлено, что фазы вегетационного периода «посев-цветение», «цветение-созревание» и «посев-созревание» у внутривидовых и межвидовых гибридов F_1 имеют различную генетическую природу наследования, т.е. промежуточное наследование, доминирование и сверхдоминирование в сторону скороспелого и позднеспелого

родителя. Наследование фаз «посев-цветение», «цветение-созревание» и «посев-созревание» у изученных внутривидовых и межвидовых гибридов F_2 с предельным и непредельным типом ветвления аналогичны гибридам F_1 , т.е. наблюдается промежуточное наследование, доминирование и сверхдоминирование в сторону скороспелого и позднеспелого родителя. Выявлено, что в большинстве случаев позднеспелость наследуется по принципу доминирования и сверхдоминирования. Фазы развития являются сложными полимерными признаками, а их наследование зависит от комбинационной способности родительских форм. В изученных комбинациях отмечен широкий формообразовательный процесс не зависимо от типа ветвления. Тип плодовых ветвей не имеет существенного значения в наследовании фаз развития.

Ключевые слова: хлопчатник, сорт, линия, гибрид, внутривидовые гибриды, масса 1000 штук семян, трансгрессия, гетерозис, скрещивание, изменчивость.

Аннотация. Мақолада тур ичи ва турлараро ғўза дурагайларида ҳосил шохлари тупига боғлиқ ҳолда тезпишарликнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги бўйича олинган таҳлил натижалари келтирилган. Тур ичи ва турлараро F_1 дурагайларида вегетация даврининг “экиш-гуллаш”, “гуллаш-пишиш” ва “экиш-пишиш” фазаларининг ирсийланиши турли генетик хусусиятларга эга эканлиги, яъни оралиқ ирсийланиш, тезпишар ёки кечпишар ота-она томонга оған ҳолдаги ирсийланиш ва ўта устунлик аниқланган. Ўрганилаётган тур ичидаги ва турлараро чекланган ва чекланмаган ҳосил шохи типига эга бўлган F_2 дурагайларида “экиш-гуллаш”, “гуллаш-пишиш” ва “экиш-пишиш” фазаларининг ирсийланиши F_1 дурагайларида ўхшаш бўлди, яъни оралиқ ирсийланиш, тезпишар ёки кечпишар ота-она томонга оған устунлик ва ўта устунлик кузатилади. Кўп ҳолларда кечпишарликнинг устунлик ва ўта устунлик ҳолатида ирсийланиши аниқланди. Ривожланиш фазалари мураккаб полимер белгилар бўлиб, уларнинг ирсийланиши ота-она шакллари комбинацион қобилятига боғлиқ. Ўрганилган комбинацияларда шохланиш туридан қатъий назар, кенг шаклланиш жараёни кузатилди. Ривожланиш фазаларини ирсийланишида ҳосил шохи типларининг сезиларли таъсири аниқланмади.

Калит сўзлар: ғўза, нав, тизма, дурагай, туричи дурагайлари, 1000 дон чигит вазни, трансгрессия, гетерозис, оралиқ ирсийланиш, ўзгарувчанлик.

Annotation. The article presents the results obtained on inheritance and variability of precocity depending on the type of fruit branches in intra- and interspecific cotton hybrids. It has been established that the phases of the growing season “sowing-flowering”, “flowering-maturation” and “sowing-maturation” in intraspecific and interspecific F_1 hybrids have a different genetic nature of inheritance, i.e. intermediate inheritance, dominance and overdominance towards the precocious and late-maturing parent. The inheritance of the “sowing-flowering”, “flowering-maturation” and “sowing-maturation” phases in the studied intraspecific and interspecific F_2 hybrids with marginal and non-marginal branching types are similar to F_1 hybrids, i.e. intermediate inheritance, dominance and overdominance towards the precocious and late-maturing parent is observed. It has been revealed that in most cases late maturity is inherited according to the principle of dominance and overdominance. The phases of development are complex polymer traits, and their inheritance depends on the combinational ability of the parent forms. A wide formative process is noted in the studied combinations, regardless of the type of branching. The type of fruit branches is not essential in the inheritance of developmental phases.

Key words: Cotton, variety, line, hybrid, intraspecific hybrids, weight of 1000 seeds, transgression, heterosys, intermediate inheritance, variability

ВВЕДЕНИЕ

Скороспелость хлопчатника является одним из важнейших хозяйственно-ценных признаков, который обязательно и строго учитывается при испытании и районировании новых сортов. Скороспелостью хлопчатника обусловлены не только повышение качества и количества получаемого урожая хлопка-сырца и волокна, но и степени комплексной механизации возделывания и уборки урожая, приводящей, в конечном счете, к снижению себестоимости продукции

Г.С.Зайцев проводя исследования на гибридах межвидового скрещивания, приходит к заключению, что скороспелость – признак доминантный (Зайцев, 1924). Такого же мнения придерживается В.И.Кокуев установил у гибриды F_1 промежуточное наследование по скороспелости. Расщепление гибридов в F_2 дает ему основание утверждать о полигенной природе скороспелости (Кокуев, 1937).

А.М.Мальцев у гибридов F_1 от скрещивания египетского хлопчатника с южно американским древовидным наблюдал доминирование позднеспелости. Аналогичного мнения придерживаются и другие ученые (Мальцев, 1936; Рахмонов, Эгамов, 2006).

Ю.Ф.Узаков и др. пишут, что период «цветение-созревание» у внутри- и межвидовых гибридов F_2 наследуется по разному в зависимости от комбинации скрещивания и типов плодовых ветвей (Узаков и др. 1989).

О роли материнской формы в наследовании скороспелости указывали (Пищугин, 1960; Гладилина, 1963).

П.М.Жуковский отмечал, что по мере перехода от хлопчатника с укороченным междоузлием, симподиев к длинным формам, со скороспелостью его в большинстве случаев падала, так как время уходит на формирование большей вегетативной массы уд-

линенных междоузлий (Жуковский, 1950).

С.Савлатов пишет, что длина вегетационного периода, сильно подвержена паратипической изменчивости. В связи с этим имеет невысокую наследуемость в F_2 . Достижение генетической однородности популяции по длине вегетационного периода происходит медленнее, чем по высоте закладки первой плодовой ветви. Во всех изучаемых гибридных комбинациях наблюдалось полное доминирование длинных междоузлий симподиальных ветвей над более короткими. Следовательно, сорта с короткими плодовыми ветвями по сравнению с длинными ведут себя как рецессивными формы (Савлатов, 1972).

Связь скороспелости хлопчатника с типом ветвления изучали Коровин и др.(1947), Коровин (1950), Нагибин (1947), Мауер (1954; 1960), Канаш (1964), Дадабаев и др.(1960), Узакон и др.(1985), Ю.Узакон и др.(1976), М.И.Иксанов (1993), Р.Г.Ким и др. (1985; 2005; 2009)

РЕЗУЛЬТАТЫ И ОБСУЖДЕНИЕ

В результате проведенных исследований нами выявлено, что родительские сорта и линии хлопчатника, различаются между собой по продолжительности вегетационных периодов «посев-цветение», «цветение-созревание», а также по количеству дней от посева до созревания первой коробочки и по темпам раскрытия (табл. 1).

Из таблицы видно, что самый короткий вегетационный период от посева до цветения получен у низкорослого сорта Карши-2 с нулевым типом плодовых ветвей вида *G. barbadense* L., а также у карликовой линии Л-02 и у низкорослой линии Л-8089 вида *G. hirsutum* L. Более продолжительный период от посева до цветения наблюдается у высокорослых сортов С-8255 и С-8282 с предельным типом плодовых ветвей.

Необходимо отметить, что продолжительность вегетационного периода «цветение-созревание» у изученных сортов и линий очень близок и колеблется от 61.6 до 65.8 дней. Наиболее коротким периодом «цветение-созревание» обладают сорта С-8255 и С-8282, но у них период «посев-цветение» более продолжительный.

Самым скороспелым среди изученных сортов и линий оказался сорт Карши-2, у которого период вегетаций составил 137.7 дней. А самой позднеспелой была линия Л-55, у которой количество дней от посева до созревания первой коробочки равнялось 142.0 дня.

Результаты анализа по наследованию фаз по продолжительности вегетационного периода у внутри- и межвидовых гибридов F_1 показывает, что период «посев-цветение» у межвидовых гибридов F_1 , с участием материнской формы тонковолокнистого сорта Карши-2 с нулевым типом плодовых ветвей, в двух комбинациях Карши-2 х Л-01 и Карши-2 х Л-02 средний показатель равняется 74.3 дня, что является результатом отрицательного доминирования ($h_r = -0.88$; -0.75)

в сторону сорта Карши-2, тогда как в комбинации Карши-2 х Л-55 наблюдался промежуточное наследование ($h_r = -0.33$), а в комбинации Карши-2 х Л-8089 положительный гетерозис ($h_r = 1.50$), т.е. сверхдоминирование более позднеспелого родителя Л-8089.

Отрицательное промежуточное наследование этого периода и отрицательный эффект гетерозиса наблюдался в комбинациях скрещивания, где в качестве материнской формы участвовали высокорослые среднеспелые сорта С-8255 и С-8282 с предельным типом плодовых ветвей. Так, в комбинациях С-8255 х Л-01 и С-8255 х Л-02 степень доминантности (h_r) соответственно был равен -0.41 и -0.52 , а в остальных комбинациях, где наблюдался эффект гетерозиса, этот показатель был в пределах от -1.18 до -10.33 . В этих гибридных комбинациях средние показатели по периоду «посев-цветение» были меньше, чем у родительских форм на 1-5 дней. Такая же картина наблюдается и по периодам «цветение-созревание» и «посев-цветение» в комбинациях с участием сорта С-8255, т.е. наблюдается отрицательное доминирование и сверхдоминирование (h_r от -0.68 до -9.86) отцовских форм.

Только в двух комбинациях С-8285 х Л-02 и С-8285 х Л-55 по периоду «цветение-созревание» получено отрицательное промежуточное наследование ($h_r = -0.52$; -0.38 , соответственно).

Более продолжительный период «цветение-созревание» на 3-5 дней наблюдается в комбинациях, где в роли материнских форм участвуют сорта Карши-2 и С-8282, чем у гибридных комбинаций с участием сорта С-8255, что привело к увеличению вегетационного периода в целом до 138.7-141.8 дней. При этом в этих комбинациях получено положительное доминирование и сверхдоминирование в сторону отцовских форм (h_r от 0.61 до 5.0). В комбинации С-8282 х Л-8089 период «цветение-созревание», а в комбинации Карши-2 х Л-01 период «посев-созревание» наследуется промежуточное, где h_r соответственно равны -0.30 и 0.07 (табл. 1).

В межвидовых гибридных комбинациях, где материнской формой является сорт Карши-2 период «посев-созревание» наследуется в одном случае как промежуточное ($h_r = 0.07$), а в остальных случаях по типу доминирования в сторону отцовских форм. В гибридных комбинациях с участием материнского сорта С-8282, в одном случае наблюдается промежуточное наследование с уклоном в сторону сорта С-8282 ($h_r = -0.11$) и в двух комбинациях сверхдоминирование материнской формы, и только в одном случае доминирование отцовской формы.

Следовательно, на основании полученных данных можно отметить, что изучаемые фазы развития у внутривидовых и межвидовых гибридов F_1 по продолжительности вегетационных периодов «посев-цветение», «цветение-созревание» и «посев-со-

Таблица-1

**Наследование продолжительности вегетационных периодов
у внутривидовых и межвидовых гибридов F_1**

Сорт, линия и гибридная комбинация	Период посев-цветения			Период цветение- созревание			Период посев-созревание		
	X+Sx	S	hp	X+Sx	S	hp	X+Sx	S	hp
Л-01	76.0 ± 0.5	4.4	-	65.8 ± 1.4	2.5	-	141.8 ± 0.7	6.2	-
Л-02	75.0 ± 0.5	4.0	-	65.8 ± 0.9	1.5	-	140.8 ± 0.7	6.5	-
Л-55	77.5 ± 2.2	3.8	-	64.5 ± 1.7	3.0	-	142.0 ± 0.6	6.4	-
Л-8089	75.0 ± 0.5	4.1	-	65.4 ± 0.8	1.4	-	140.7 ± 0.7	6.0	-
Карши-2	74.2 ± 0.5	4.1	-	63.5 ± 2.0	3.5	-	137.7 ± 0.8	6.4	-
Карши-2 х Л-01	74.3 ± 0.6	3.8	-0.88	65.6 ± 1.9	3.4	0.88	139.9 ± 1.1	6.8	0.07
Карши-2 х Л-02	74.3 ± 0.6	3.4	-0.75	65.9 ± 1.6	2.7	1.09	140.2 ± 0.9	5.5	0.61
Карши-2 х Л-55	75.3 ± 0.5	3.4	-0.33	66.5 ± 3.5	6.0	5.00	141.8 ± 0.8	5.2	0.91
Карши-2х Л-089	75.2 ± 0.7	4.6	1.50	65.2 ± 2.9	5.0	0.80	140.4 ± 1.3	8.2	0.80
С-8255	78.4 ± 0.6	3.8	-	61.6 ± 2.3	4.0	-	140.0 ± 0.8	5.5	-
С-8255 х Л-01	76.7 ± 0.6	2.5	-0.41	61.1 ± 3.4	5.9	-1.24	137.8 ± 0.6	2.7	-3.44
С-8255 х Л-02	75.8 ± 0.7	3.9	-0.52	62.6 ± 2.8	4.8	-0.52	138.4 ± 0.8	4.8	-5.00
С-8255 х Л-55	73.3 ± 0.5	2.5	-10.33	62.5 ± 3.5	6.0	-0.38	135.8 ± 0.8	4.1	-5.20
С-8255 х Л-8089	74.7 ± 0.8	4.1	-1.18	62.2 ± 2.3	4.0	-0.68	136.9 ± 0.7	3.5	-9.86
С-8282	78.3 ± 0.6	3.8	-	61.7 ± 1.1	1.9	-	140.0 ± 0.8	5.5	-
С-8282 х Л-01	75.2 ± 0.4	2.6	-1.70	65.0 ± 3.9	6.8	0.61	140.8 ± 0.7	4.2	-0.11
С-8282 х Л-02	74.6 ± 0.9	4.7	-1.24	66.1 ± 3.5	6.0	1.15	140.7 ± 1.2	6.4	0.75
С-8282 х Л-55	74.7 ± 0.7	3.9	-8.00	64.0 ± 3.5	6.0	0.64	138.7 ± 0.7	3.9	-2.30
С-8282 х Л-8089	74.6 ± 0.7	3.4	-1.24	64.1 ± 1.4	2.4	0.30	138.7 ± 0.7	3.6	-4.71

зревание» имеют различную генетическую природу наследования, т.е. промежуточное наследование, доминирование и сверхдоминирование в сторону скороспелого и позднеспелого родителя. Следует отметить, что изучаемые периоды являются сложными полимерными признаками, а их наследование зависит от комбинационной способности родительских форм. Необходимо отметить, что наследование фаз развития по продолжительности вегетационных периодов у гибридов F_2 , изучали в зависимости от типа плодовых ветвей, т.е. гибриды с предельным и непредельным типом ветвления. Анализ результатов полученных по фазе развития «посев-цветение» у межвидовых и внутривидовых гибридов с предельным типом плодовых ветвей выявил, что самый короткий период «посев-цветение» имеют гибриды С-8282 х Л-02 и С-8285 х Л-02, у которых средний показатель равен 75.2 и 75.4 дням соответственно. Продолжительность этого периода у межвидовых гибридных комбинациях Карши-2 х Л-01 и С-8255 х Л-55 оказался самым продолжительным. Средний показатель у этих гибридов равняется соответственно 80.0 и 79.7 дней. У остальных

гибридных комбинации средний показатель данного периода варьировал от 77.3 до 78.5 дней (табл. 2). Продолжительность вегетационного периода «цветение-созревание» в гибридных комбинациях Карши-2 х Л-01 и С-8255 х Л-55 равнялся соответственно 54.4 и 55.5 дням, а в остальных изученных комбинациях этот показатель был намного продолжительнее и в среднем составил от 58.1 до 65.5 дня.

Азот является важнейшим элементом роста и развития растений, в частности, для образования белковых веществ. Азотное голодание, как отмечал С.П. Костычев (4), является тем фактором, который преимущественно перед всеми остальными ограничивает развитие жизни на земле и задерживает размножение организмов.

Содержание азота в составе белка колеблется в пределах 15-19 %. Азот, входя в состав белковых веществ хлопчатника, а также входит в состав ферментов-катализаторов жизненных процессов в организме (6, 9).

В почву азот поступает в аммиачной, амидной и

нитратной формах. Эффективность этих форм азота зависит от биологических особенностей растений и содержания в них углеводов.

При недостатке углеводов растение не может использовать азот для образования аминокислот и белков, задерживается рост соцветий и образование цветков.

При недостатке азота в почвах ослабляется образование плодовых ветвей, уменьшается содержание белка в листьях и семенах хлопчатника. При этом наблюдается снижение урожайности. Оптимальное азотное питание, наряду с фосфорным и калийным, высокую урожайность.

Мало найдется примеров, писал К.А. Тимирязев, где бы так ясно определилась взаимная роль теории и практики, как в тех исследованиях, в которых научный вопрос о происхождении азота растения неразрывно сплетался с чисто практическим вопросом (10).

Так, на основании заключения по 85 опытам, при внесении азота 183 кг/га, фосфора - 124 кг/га, калия - 47 кг/га, проведенных на серозёмных, серозёмно-луговых почвах Узбекистана, средняя прибавка урожая хлопка-сырца составила 11,5 ц/га.

На основании 83 опытов, проведенных в Таджикистане, было отмечено получение прибавки урожая хлопка-сырца 15,3 ц/га. Аналогичные 153 опыта проведенные в Туркменистане на серозёмно-луговых, луговых и других почвах обеспечили прибавку хлопка-сырца 19,2 ц/га. В то же время на 152 опытах, проведенных на серозёмных, луговых и других почвах Азербайджана, была получена прибавка урожая хлопка-сырца в 8,4 ц/га. (2, 3, 8).

Как видно, регулирование минеральным, корневым питанием растений позволяет не только получать высокий урожай, но и управлять его качеством, накоплением углеводов, белков, жиров, витаминов, алкалоидов и других соединений.

Н.А. Максимов в 1958 г. писал, что «значение азота в жизни растений как необходимого компонента белковой молекулы настолько велико, что его было нецелесообразно рассматривать наряду с другими элементами минерального питания» (5).

Такая высокая оценка роли азота в жизни растений по-видимому связана с тем, что он является частью живой клетки и входит в состав белков, являющихся главной материальной основой всего живого. Без азота не могут образоваться белки, без белка – протоплазма, а без протоплазмы не может быть жизни (11).

Данными физиологических опытов доказано, что поглощение органических и минеральных веществ хлопчатником (азота, фосфора, калия) связано с интенсивностью фотосинтеза, что, в свою очередь, связано с увеличением листовой поверхности и образованием углеводов.

Без углеводов или при низком их содержании (начальные фазы вегетации хлопчатника) интенсивность

поглощения минеральных веществ очень низкая, на уровень семенного обеспечения, т.е. из-за отсутствия углеводов проростки хлопчатника используют только запасы питательных веществ, содержащихся в семени.

Так, исследованиями показано, что до образования 2-3 листочков, ввиду отсутствия притока углеводов к корневым системам, вследствие низкой интенсивности фотосинтеза, проростки хлопчатника усвоили всего 0,16 % от вегетационной нормы минеральных удобрений.

С увеличением активности фотосинтеза (за счёт увеличения листовой поверхности) с фазы 2-3 настоящих листьев до бутонизации растения усвоили 4,96 % предложенных питательных веществ. С фазы бутонизации до массового цветения потребность растений в минеральных удобрениях возрастает до 23,8 %, с фазы массового цветения до фазы образования коробочек потребность в минеральном питании возрастает до пикового состояния и составляет 65,04 % и, наконец, с фазы образования до фазы созревания коробочек потребность в минеральном питании опять снижается до 6,12 %.

Таким образом, как видно из приведённых данных, в период вегетации хлопчатника потребность в удобрениях от одной фазы до другой изменяется.

И, как видно, эти изменения связаны как с переходом от одной фазы развития к последующей, и оттоком углеводов в корневую систему. Только наличие углеводов в корневой системе способствует усвоению минеральных элементов. Что, в свою очередь, связано с интенсивностью фотосинтеза и увеличением листовой поверхности. А увеличение листовой поверхности, в свою очередь, связано с обеспеченностью растений минеральным питанием.

В этой связи, отдельные авторы, не учитывая физиологические потребности растений, подчёркивали необходимость ранних подкормок. Другие, наоборот, отмечая депрессирующее действие ранних подкормок предлагают начать внесение удобрений с фазы 3-4 настоящих листочков (азот, фосфор), после прореживания хлопчатника и далее, в фазу массовой бутонизации (азот, калий), и завершить проведение подкормок в фазе начало цветения (азот, фосфор) в конце июня.

В настоящее время, среди отдельных практиков бытует мнение о проведении в период вегетации всего одной подкормки хлопчатника.

Но физиология хлопчатника, как было показано выше, требует обратить особое внимание на критические периоды развития растений перед бутонизацией, фазу массовой бутонизации (азот, калий) и в начале цветения, когда необходимо внесение всей оставшейся части азотных и фосфорных удобрений.

Поучителен опыт американских фермеров, которые последнюю подкормку хлопчатника (азот, фосфор)

проводят не в начале цветения, как наши фермеры, этому в период дефолиации у них нет проблем с а за 5-6 дней до начала цветения хлопчатника. По- листопадностью.

ЛИТЕРАТУРА:

1. World Fertilizer. Market view and outlook. TVA, 1974. P. 9.
2. Артюшин А.М., Державин Л.М. Краткий справочник по удобрениям. Москва: Колос, 1971. – 288 с.
3. Белоусов М.А. Вопросы питания и биологии хлопчатника. Ташкент, 1960. – С. 3-10.
4. Кретович В.Л. Обмен азота в растениях. Москва: Наука, 1972. – 527 с.
5. Максимов Н.А. Краткий курс физиологии растений. М.: ГСХЛ, 1958. – 200 с.
6. Назаров Р.С. Аммиачное и нитратное питание хлопчатника. Ташкент: Фан, 1980 – 96 с.
7. Панников В.Д. Культура земледелия и урожай. Москва: Колос, 1974. – 386 с.
8. Протасов П.В. Применение удобрений в хлопководстве. Ташкент: Узбекистан, 1980. – 143 с.
9. Соловьёв В.П. Некоторые данные о влиянии хлористого кобальта на хлопчатник// Физиология и биохимия хлопчатника. Ташкент: Фан, 1972. – С. 254-257.
10. Тимирязев К.А. Жизнь растений. Москва: изд. АН СССР, 1962. – 28 с.
11. Яровенко Г.И. Физиолого-агрохимические основы повышения эффективности азотных удобрений в хлопководстве. Ташкент: Узбекистан, 1969. – 283 с.

Поступило в редакцию 18.12.2024

УЎТ: 633.11:635.65:631.559

**КУЗГИ БУҒДОЙ АНҒИЗИДА МОШ ЕТИШТИРИШНИНГ
САМАРАДОРЛИГИ**

**ЭФФЕКТИВНОСТЬ ВЫРАЩИВАНИЯ МАША НА СКОРПЕ
ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ**

**EFFECTIVENESS OF MUNG GROWING
IN AUTUMN WHEAT**

*Негматова Сурайё Тешаевна, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор,
Халиков Баходир Мейликович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор,
Мажидов Жонибек Пулатович, талаба*

*Негматова Сурайё Тешаевна, доктор сельскохозяйственных наук, профессор,
Халиков Баходир Мейликович, доктор сельскохозяйственных наук, профессор,
Мажидов Джанибек Пулатович, студент*

*Negmatova Surayyo Teshaeвна, Doctor of Agricultural Sciences, Professor.
Khalikov Bakhodir Meylikovich, Doctor of Agricultural Sciences, Professor.
Majidov Jonibek Pulatovich, student*

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти

Научно-исследовательский институт селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка

Cotton Breeding, Seed Production and Agritechnologies Research Institute

Аннотация. Мақолада Қашқадарё вилоятининг тақирсимон тупроқлари шароитида дуккакли дон экини мошни кузги буғдой анғизиди турли муддат ва меъёрларда экилганда мош донинининг шаклланиши, ҳосилдорлиги ва самарадорлигига таъсири ёритилган. Яъни, мош анғизда мақбул деб топилган эрта муддатда (20-30.06) экилганда кеч экилган муддатларга нисбатан битта ўсимликда ҳосил бўлган дуккаклар сони 6-8 донага, дуккаклардаги дон сони 2-3 донага, 1000 дона дон вазни 2-5 граммга ортганлиги аниқланган. Энг юқори натижа мош июнь ойининг охиригى ўн кунлигида гектарига 14 кг уруғ сарфлаб экилганда кузатилиб, 15,4 ц/га ҳосил олинган. Худди шу муддатда гектарига 10 кг уруғ экилган вариантга нисбатан 4,9 ц/га, 15 кун кеч (10-20.07) муддатда экилган вариантга нисбатан 4,2 ц/га қўшимча ҳосил олинган. Мош анғизга эрта муддатда (20-30.06) гектарига 10-14 кг гача экиб парваришланганда дон таркибидаги оқсил миқдори 17,3-18,4% бўлиб, экиш меъёри ошиб бориши билан 0,8-1,1% гача камайиб бориши кузатилган. Худди шу меъёрларда кечки муддатда, яъни, июнь ойининг ўртасида экилганда оқсил миқдори эрта экилган муддатга нисбатан 1,7-2,3% гача камайиши аниқланган. Мош кузги буғдой анғизига эрта муддатда экилганда рентабеллик даражаси юқори бўлиб, гектаридан 3360000 сўм соф фойда олинган ҳамда мошни такрорий экин сифатида имкон қадар эрта муддатларда экиш кераклиги ўз илмий исботини топган.

Калит сўзлар: дуккакли экинлар, дон, мош, муддат, меъёр, тупроқ унумдорлиги, оқсил миқдори.

Аннотация. В статье рассмотрено влияние зернобобового зерна на рост, урожайность и продуктивность маш-зерна при его посеве под озимую пшеницу в разные сроки и нормы в условиях типично-сероземных почвах Кашкадарьинской области. То есть было установлено, что количество стручков, образовавшихся в одном растении, увеличилось на 6-8 зерен, количество зерен в стручках увеличилось на 2-3 зерен, а масса 1000 зерен увеличилась на 2-5 граммов. Самый высокий результат наблюдался в последней декаде июня, когда было высеяно 14 кг семян на гектар и получена урожайность 15,4 ц/га. В этот же период по сравнению с вариантом с посадкой 10 кг семян на гектар получена дополнительная урожайность 4,9 ц/га, по сравнению с вариантом с посадкой на 15 дней (10-20.07) - 4,2 ц/га. Было отмечено, что количество белка в зерне составляло 17,3-18,4%, а по мере увеличения нормы посева оно снижалось до 0,8-1,1%. При ранней посадке моша на

осеннем пшеничном поле уровень рентабельности был высокий, с гектара получено 3 миллиона 360 тысяч сумов чистой прибыли, научно доказано, что мош следует сажать как можно раньше как повторный урожай.

Ключевые слова: зернобобовые культуры, зерно, маш, срок, норма, плодородие почвы, содержание белка.

Abstract. The paper highlights the impact of growing leguminous grain summer crops (in the example of mung bean) planted around winter wheat stalks under different dates and sowing rates on the formation of the mung bean seeds, yield and effects of mung bean in conditions of the takyr-like soils of the Kashkadarya region. The study showed that the number of legumes per plant of the summer crop mung bean planted around winter wheat stalks under the optimal planting date (20-30.06) was higher by 6-8, grains inside the legumes by 2-3 and the weight of 1000 grains by 2-5 grams compared to those planted during late periods. The highest yield of 1.54 t ha⁻¹ under plowing rates of 14 kg ha⁻¹ of seeds was observed when mung bean was planted during the last ten days of June. The observed yield values were 0.49 t ha⁻¹ higher compared to the trial with the planting rates of 10 kg ha⁻¹ in the same period, and 0.42 t ha⁻¹ higher compared to the trial with the 15 day late planting period (10-20.07). In early planting (20-30.06) of mung bean with the rate of 10-14 kg ha⁻¹, the observed amount of protein in the grains was 17.3- 18.4% decreasing to 0.8-1.1% with the increase of the seed planting rate. With the same planting rates but during late planting dates, i.e., in mid-June, it was found that the amount of protein decreased to 1.7-2.3% compared to that in the early planting dates. Early planting of mung bean around winter wheat stalks raises profitability to the high levels: the net profit was 3,360,000 soums per hectare, while planting as early as possible is scientifically proven to be the correct strategy.

Key words: leguminous crops, grain, mung bean, date, norm, soil fertility, protein content.

КИРИШ

Ўзбекистон табиий иқлим ва тупроқ шароитига кўра ер шарида деҳқончилик учун энг қулай минтақалардан ҳисобланади. Республикамизнинг бир миллион гектардан ортиқ суғориладиган майдонларида ҳар йили кузги бошоқли-дон экинлари етиштирилади. Демак, кузги буғдой йиғиштириб олингандан сўнг шунча миқдордаги майдонда такрорий экинлар етиштириш имконияти пайдо бўлади. Шунинг ҳисобга олиб, кузги буғдойдан бўшаган майдонларда асосий эътиборни аҳолининг кундалик озиқ-овқат талабларини қондирадиган дуккакли-дон, дон ҳамда сабзавот экинларини такрорий экин сифатида етиштириш келгусида республикада озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлашга замин яратади.

Республикамиз тупроқ иқлим шароитида кузги буғдойдан 60-70 ц/га, такрорий экин сифатида етиштириладиган мош, соя ва ловия экинларидан эса 15-25 ц/га дон ҳосили етиштирилиб, бир мавсум давомида етиштириладиган дон ҳосилини 85-95 ц/га етказиш имкониятлари мавжуд. Бу кўплаб илмий тажрибалар ва илғор фермер хўжаликлари мисолида кузатилган. Шу нуқтаи назардан қараганда, кузги буғдойдан бўшаган майдонларда дуккакли-дон экинлари майдонларини кенгайтириш эвазига, аввало, аҳолини тўйимли ва сифатли маҳсулотлар, чорва ҳайвонларини эса сервитамин, минерал моддаларга бой озуқа билан таъминлаш ва тупроқ унумдорлигини ошириш имконини беради. Мана шундай дуккакли дон экинларидан соя, ловия, нўхат қабилар қаторида мош ҳам ўз ўрнига эга.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ хўжалигида экинлардан мўл ва сифатли ҳосил олишнинг истиқболли технологияларини яратиш, қишлоқ хўжалик экинлар турини тўғри танлаш орқали тупроқ унумдорлигини сақлайдиган ва оширадиган, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондирадиган, ғўза, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишни таъ-

минлайдиган алмашлаб экиш тизимларини янада тақомиллаштириш, ушбу алмашлаб экиш тизимларида етиштириладиган асосий ва такрорий дуккакли-дон экинларни етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этиш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Мош (*Phaseolus aureus* Piiper. ва охирги классификация бўйича *Vigna radiate* (L) Wilzek) озуқавийлик қиймати жиҳати юқори бўлган дуккакли-дон экиндир.

В.Н.Степанов, П.П.Вавилов ва бошқалар, С.М.Мустафоевлар мошни “фасоль золотистая” деб номлашиб, унинг қурғоқчиликка ўта чидамли бўлишини, дон ва сидерат ўғит учун етиштириш мумкинлигини таъкидлаб ўтишган (Степанов, 1965; Вавилов ва бошқ., 1986; Мустафоев, 1982).

Қ.З.Зокиров ва Х.А.Жамолхоновлар эса мошни “фасоль азиатская” деб номлашган бўлса, Г.В.Боднер ва Г.Т.Лавриненколар эса “Азиатский горох” деб атаганлар. Х.Н.Атабаева эса мошни “Осиё ловияси” деб атаган. Кўриниб турибдики, мошнинг номи турли манбаларда турлича номланган. Шунга қарамадан унинг лотинча номи бир хилда *Phaseolus aureus* деб аталиши қабул қилинган (Зокиров, Жамолхонов, 1973; Боднер, Лавриненко, 1977; Атабаева, 2000).

Илмий манбалардан маълум бўлишича, мош такрорий экин сифатида кузги буғдой анғизида етиштирилганида 300–400 ц/га кўк масса ҳосили етиштириб, уни ерга ҳайдаб ташланса, ҳар гектар ерни 100 кг биологик соф азот ҳамда чиритилган гўннинг бир йиллик меъёрига тенг даражадаги органик моддалар билан бойитади. Мош бутун вегетация даври мобайнида ўздан кейин тупроқда 2,5–3 тонна миқдорида илдиш ва анғиз қолдиқларини қолдиради. Шунингдек, илдишда 20-30 донагача туганаклар ҳосил қилиб, тупроқ унумдорлигини оширади (Намазов, Халиков Б, 2013; Назаров, Тожибоева, 2017; Халиков, 2007; Халиков, Намазов, 2016; Эрназаров, Негматова, 2009).

Дуккакли-дон экинлар такрорий экин сифатида

экилганда ўсув даври давомида ўзини азот билан таъминлабгина қолмай, илдизиди 90-100 кг гача соф азот қолдириши билан бирга тупроқдаги микроорганизмларнинг яшаши учун қулай шароит ҳам яратади.

Мош кузги буғдойдан кейин анғизиди махсус технология бўйича сув таъминоти чекланган шароитда мақбул муддатда экилса, дон ҳосили 18,6-19,3 ц/га ни ташкил этиб, тупроқдаги табиий азотнинг тўпланиши сезиларли даражада ошади (Негматова, 2013).

МАТЕРИАЛЛАР ВА УСЛУБЛАР

Тадқиқотлар дала ва лаборатория шароитида олиб борилиб, бунда «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур» (1964), «Методы агрохимических анализов почв и растений» (1973), «Методы агрофизических исследований» (1973), «Методы почвенной микробиологии и биохимии» (1991 г.), «Дала тажрибалари ўтказиш услублари» (2007) каби услубий қўлланмалар асосида олиб борилди.

Тажрибада мошнинг “Дурдона” нави 3 хил экиш муддати ва меъёрларида экиб парваришланган бўлиб, дала тажрибалари Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (ПСУЕАИТИ) Қашқадарё илмий тажриба станциясига қарашли тақриси мон тупроқлар шароитида олиб борилган.

НАТИЖАЛАР ВА МУНОЗАРА

Маълумки, ўсимликда ҳосил салмоғини унда тўпланган ҳосил элементларининг миқдори ва сифати белгилайди. Мошда ҳам дон ҳосилдорлиги ўсимликда шаклланган ҳосил элементлари, яъни дуккаклар сони ва ундаги доннинг салмоғи ва сифатига боғлиқдир. Мош кузги буғдой анғизига такрорий экин сифатида экилганда, ундан юқори ва сифатли дон ҳосили олиш учун уни экиш муддати ҳамда меъёрларини тўғри белгилаш керак. Чунки, мош турли муддат ва меъёрларда анғизга экиб етиштирилганда дуккаклардаги донларнинг шаклланиши давомида физиологик жараёнларнинг таъсири кучли бўлади, натижада айрим донларнинг тўлиқ шаклланиб, айримларининг етилмасдан қолиши кузатилади. Шу сабабли ҳам турли муддатларда ва меъёрларда кузги буғдой анғизиди етиштирилган мошда доннинг шаклланиши ўрганилди.

Ўсимликда дуккаклар ҳосил бўлишига экиш муддатларини таъсири ўрганилганда, мош анғизга эрта муддатларда экилганда (30.06) кеч муддатда экилганга нисбатан (15.07) битта ўсимликдаги ҳосил бўлган дуккаклар сони 6-8 донага кўплиги аниқланди.

Экиш муддати ва меъёрларига боғлиқ ҳолда пишган дуккаклар сони экиш меъёрлари ошиб бориши билан кўпайганлиги ва экиш муддатлари кечикиши билан камайганлиги кузатилди. Мош такрорий экин сифатида июнь ойининг охирида гектарига 10 кг меъёрда экилганда биринчи октябрь ҳолатида пишган дуккаклар 25,3% ни ташкил қилган бўлса, гектарига 14 кг экилганда 30,4% ни ташкил этди. Ҳудди шу меъёрларда

мош июль ойининг иккинчи ўн кунлигида экилганда дуккаклар сони 21,6; 26,1% ни ташкил этди

Тадқиқотлар натижасига қараганда ўсимликнинг кўчат сони сийраклашгани сайин, яъни экиш меъёрлари кам бўлиб бориши билан дуккаклардаги донларни сони ва салмоғининг ўзгариши сезиларли даражада фарқланмади. Мошнинг “Дурдона” навида экиш меъёри гектарига 10-14 кг бўлганда бир дуккакда ҳосил бўлган донлар сони 9,6 донадан 13,3 донагача бўлганлиги кузатилди. Мош эрта муддатда (30.06) гектарига 10 кг экилганда дуккакдаги дон сони ўртача 11,7 донани, 12 кг экилганда 12,6 донани, 14 кг экилганда эса энг юқори кўрсаткични 13,3 донани ташкил этди.

Шунингдек, мошнинг экиш муддатлари ҳам дуккаклар сонига ўз таъсирини кўрсатди. Олинган маълумотларга қараганда, мош кузги буғдой анғизига июнь ойининг охирида (30.06) ҳар гектар ер ҳисобига 14 кг экилганда дуккакларидаги ўртача дон сони 13,3 донани ташкил этгани ҳолда, худди шу меъёрда июль ойининг бошида (10.07) экилганда 12,6 донани, июль ойининг ўртасида (15.07) экилганда эса 10,6 донани ташкил этганлиги аниқланди. Экиш муддатининг кечикиши билан бир дуккакдаги дон сони 0,7-2,7 донагача камайиши кузатилди.

Дуккаклардаги донларнинг вазнини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотларда 1000 дона дон вазни экиш муддатларига боғлиқлигини кўрсатди. Олинган маълумотларга қараганда, мош июнь ойининг охирида (20-30.06) ҳар гектар ер ҳисобига 10; 12; ва 14 кг уруғ сарфланиб экилганда 1000 дона дон вазни 60,0; 56,0; 58,0 г ни ташкил этиши кузатилди. Экиш меъёри ошиб бориши билан 1000 дона дон вазни камайиб бориши аниқланди. Тажрибанинг қолган экиш муддатларида ҳам ушбу қонуниятлар кузатилди.

Тажрибада мошни экишда экиш муддатлари ҳам 1000 дона дон вазнига таъсир этгани кузатилди. Мош эрта муддатларда экилганда, кеч муддатларга қараганда 1000 дона дон вазнининг юқори бўлиши кузатилди. Масалан, мош 30 июнь муддатида экилганда экиш меъёрлари бўйича 1000 дона дон вазни 60,0; 56,0; 58,0 г бўлса, 10 июль муддатида экилганда 59,0; 58,0; 56,0 г ни ташкил этди. Шунингдек, мош кузги буғдой анғизига июль ойининг ўртасида (10-10.07) экилганда 1000 дона дон вазни 57,0; 55,0; 53,0 г бўлиб, эрта экилган муддатларга қараганда 2-5 г га кам бўлгани аниқланди.

Мошнинг “Дурдона” нави кузги буғдойнинг анғизиди июнь ойининг охириги ўн кунлигида экилганда дон ҳосилдорлиги 10,5-15,4 ц/га бўлиб, ушбу кўрсаткич мош 10-июлда экилганда 9,6-13,6 ц/га; 15-июлда экилганда эса 8,1-11,2 ц/га бўлганлиги аниқланди. Энг юқори натижа мош июнь ойининг охириги ўн кунлигида гектарига 14 кг уруғ сарфлаб экилган 3-вариантда кузатилиб, 15,4 ц/га ташкил этди. Ушбу вариантдан гектарига 10 кг уруғ экилган 1-вариантга нисбатан 4,9

Жадвал

Турли муддатлар ва меъёрларда анғизда экиб етиштирилган мошнинг ҳосилдорлиги
(“Дурдона” нави)

Вариантлар	Экиш муддати	Экиш меъёри, кг	Ҳосилдорлик, ц/га	Экиш меъёрига нисбатан қўшимча ҳосил, ц/га	Экиш муддатига нисбатан қўшимча ҳосил, ц/га
1-вариант	30.06.	10	10,5	-	
2-вариант		12	12,6	+2,1	
3-вариант		14	15,4	+4,9	
4-вариант	10.07.	10	9,6	-	-0,9
5-вариант		12	12,7	+3,1	+0,1
6-вариант		14	13,6	+4,0	-1,8
7-вариант	15.07.	10	8,1	-	-2,4/-1,5
8-вариант		12	10,0	+1,9	-2,6/-2,7
9-вариант		14	11,2	+3,1	-4,2/-2,4
Экиш меъёри 10 кг бўлганда экиш муддатига нисбатан				НСР _{0,5} 1,48 ц/га 2,9 %	
Экиш меъёри 12 кг бўлганда экиш муддатига нисбатан				НСР _{0,5} 2,62 ц/га 4,5 %	
Экиш меъёри 14 кг бўлганда экиш муддатига нисбатан				НСР _{0,5} 2,71 ц/га 2,4 %	

ц/га, 15 кун кеч экилган 9-вариантга нисбатан эса 4,2 ц/га қўшимча ҳосил олинган (жадвал).

Дуккакли-дон экинлари орасида мош дони озиқалик қиймати жиҳатидан бошқа экинлардан ажралиб туради. Чунки, мош таркибидаги оқсил миқдори 24-28 % ни, унинг ҳазмланиш даражаси ўрта ҳисобда 86% ни ташкил этади (Tresina et al., 2014). Мош таркибидаги оқсил миқдори ўсимлик навига, ўсиш жойи, об-ҳаво шароити, қўлланиладиган ўғитлар ва агротехнологик тадбирларга мос ҳолда ўзгаради. Айниқса, мош анғизда такрорий экин сифатида етиштирилса донидаги оқсил миқдори янада юқори бўлади.

М.И.Смирнова-Иконникова [10] нинг таъкидлашича, дуккакли-дон экинларининг тури ва навига ҳамда экиш муддати ва меъёрига боғлиқ равишда улардаги оқсил миқдори ўзгариб боради, шунинг учун уларнинг юқори оқсилли навини яратиш, тупроқ-иқлим шароитига мос

равишда парваришлаш агротехикасини ишлаб чиқиш талаб этилади (Смирнова-Иконникова, 1962).

Шу сабабли ҳам кузги буғдой анғизда такрорий экин сифатида етиштирилган мош донидаги оқсил миқдорини экиш муддатлари ва меъёрларига таъсирини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқотлар натижаларидан маълум бўлишича, мош кузги буғдой анғизига эрта муддатда (20-30.06) гектарига 10-14 кг дан уруғ сарфланиб экилганда дони таркибидаги оқсил миқдори 17,3-18,4% ташкил этиб, улар орасида фарқ 0,8-1,1% гача камайиши кузатилди.

Мош анғизга июль ойининг бошида (1-10.07) гектарига 10-14 кг гача экиб етиштирилганда эса дон таркибидаги оқсил миқдори 15,8-16,4% ни ташкил этиб, эрта муддатда экилганга нисбатан таркибидаги оқсил миқдори 1,5-2,0% камайди. Мош анғизга июл ойининг иккинчи ўн кунлигида (10-20.07) гектарига




Диаграмма. Турли муддаталарда ва меъёрларда кузги буғдой анғизда етиштирилган мошдаги оқсил миқдори (“Дурдона” нави).

10-14 кг уруғ сарфланиб экилганида дон таркибидаги оксил миқдори 15,6-16,1% ни ташкил этгани ҳолда, эрта муддатда экилган вариантларга нисбатан оксил 1,7-2,3% га камайиши кузатилди (диаграмма).

В.Г.Клименко томонидан ўтказилган тадқиқотларда ҳам дуккакли-дон экинларини мақбул муддатларга нисбатан кеч муддатларда экилиши дондаги оксил миқдорини сезиларли равишда камайиб кетишини сабабларидан бири деб кўрсатиб, у ушбу ҳолатни ҳаво ҳарорати ва ёруғликни етишмаслиги сабабли ўсимликда фотосинтез жараёнини тўлиқ шаклда ўтмаганлигидан деб ҳисоблайди (Клименко, 1975).

Тавсия этилаётган ҳар қандай агротехник тадбирни жорий этиш учун албатта уни иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларига эътибор берилади. Иқтисодий самарадорлик юқори бўлгандагина тавсия этилаётган агротехник тадбирни ишлаб чиқаришга жорий этиш мумкин.

Иқтисодий самарадорлик бўйича олинган маълумотлар дастлаб экиш муддатлари доирасида таҳлил этилганда, мош кузги буғдой анғизига июнь ойининг охиригى ўн кунлигида экилганида юқори бўлиши ва кеч муддатда экилиши иқтисодий томондан самарасиз эканлигини кўрсатди.

Кузги буғдой анғизига мош гектарига 14 кг меъёрда турли муддатларда экилганида соф фойда 760000

сўм/га дан 3360000 сўм/га гача бўлиб, энг яхши натижа мошни гектарига 14 кг дан июнь ойининг охирида (20-30.06) экиб, етиштирилганида ҳосилдорлик 15,4 ц/га, соф фойда 3360000 сўм/га ва рентабеллик эса 77,4% ни ташкил этди.

Демак, мош кузги буғдой анғизига эрта муддатларда экилганда рентабеллик даражаси юқори бўлиб, кеч экилганда эса ушбу кўрсаткичларнинг кескин пасайиб кетиши мошни анғизга имкон қадар эрта муддатларда экиш лозимлигини кўрсатди.

ХУЛОСА

Қашқадарё вилоятининг тақирсимон тупроқлари шароитида мош кузги буғдой анғизига такрорий экин сифатида июнь ойининг охирида (20-30.06) экилганда битта ўсимликда ҳосил бўлган дуккаклар сони, дуккаклардаги дон сони ва 1000 дон дон салмоғини юқори бўлишини таъминлади.

Демак, Қашқадарё вилоятининг тақирсимон тупроқлари шароитида кузги буғдой анғизига мошнинг “Дурдона” нави дон учун етиштирилганда июн ойининг охиригى ўн кунлигида гектарига 14 кг уруғ сарфланиши мақбул ҳисобланиб мўл ҳосил олинди.

Мошни такрорий экин сифатида етиштирилганда унинг экиш муддатларини кечикиши ва меъёрларини ошириб борилиши эса дондаги оксил миқдорини камайиб боришига олиб келди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Атабаева Ҳ.Н. Ўсимликшунослик. – Тошкент: Меҳнат, 2000. – 134 б.
2. Боднер Г.В., Лавриненко Г.Т. Зернобобовые культуры. – М.: Колос, 1977.
3. Вавилов П.П., Гриценко В.В., Кузнецов В.С., Третьяков Н.Н., Шатилов И.С. Растениеводство. – М.: Агропромиздат, 1986. – 512 с.
4. Зокиров Қ.З., Жамолхонов Ҳ.Л. Ботаникадан русча-ўзбекча энциклопедик луғат. I том. – Тошкент: Ўқитувчи, 1973. – 233 б.
5. Клименко В. Г. Природа и питательная ценность белков семян бобовых культур. Проблемы белка в сельском хозяйстве. – М.: Колос, 1975.
6. Мустафаев С.М. Дикорастущие бобовые растения – источник кормовых ресурсов. – Ленинград: Наука, 1982. – 171 с.
7. Намазов Ф., Халиков Б. Қисқа навбатлаб экишда ўсимликларни тупроқда қолдирган органик қолдиқлари. // Агро илм - Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали илмий иловаси, 2013, № 4(28). Б. 18-19.
8. Назаров М., Тожибоева Л. Дон дуккакли экинларнинг тупроқни бойитишдаги роли. // Агро илм - Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий иловаси, Тошкент, 2017, №1 (45). Б. 21-22.
9. Негматова С. Сув танқислиги шароитида анғизда мош етиштириш. // Агро илм - Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали илмий иловаси, Тошкент, 2013, №4 (28). Б. 26-27
10. Смирнова-Иконникова М.И. Содержание белка у зерновых бобовых культур. // Вестник с/х культур. 1962. – №7. – С.30-33.
11. Степанов В.Н. Растениеводство. – М.: Колос, 1965. – С.197-201
12. Халиков Б.М. Ўзбекистоннинг суғориладиган ҳудудларида ғўза ва унинг мажмуидаги экинларни қисқа ротацияли алмашлаб экишда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишнинг илмий-амалий асослари: қ/х фанлари докт. дисс. автореферати. – Тошкент, 2007. – 44 б.
13. Халиков Б.М., Ф.Намозов. Алмашлаб экишнинг илмий асослари. Тошкент-2016.-218 б.
14. Эрназаров Ш., Негматова С. Анғизда етиштирилган мошнинг ҳосилдорлиги ва самарадорлиги. // Агро илм- Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали илмий иловаси, Тошкент, 2009, № 1 (9). Б. 27-28.
15. Tresina, S.P., Daffodil, D.E., Lincy, P., & Mohan, V.R. 2014. Assessment of biochemical composition and nutritional potential of three varieties of *Vigna radiata* (L.) Wilezek. In *Biolife*, 2(2), 665–667.

Поступило в редакцию 18.12.2024

УЎТ: 633.51

КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИГА БОҒЛИҚ ҲОЛДА ЧИЛПИШНИНГ ЎРТА ТОЛАЛИ ҒЎЗА НАВЛАРИГА ТАЪСИРИ

ВЛИЯНИЕ ЧЕКАНКИ НА СРЕДНЕВОЛОКНИСТЫЕ СОРТА ХЛОПЧАТНИКА В ЗАВИСИМОСТИ ОТ ГУСТОТЫ СТОЯНИЯ

INFLUENCE OF HARROWING ON MEDIUM-STAPLE COTTON VARIETIES DEPENDING ON PLANT DENSITY

Алланазаров Султанбек Рейпназарович

қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори, катта илмий ходим

Алланазаров Султанбек Рейпназарович

доктор философии по сельскохозяйственным наукам, старший научный сотрудник

Allanazarov Sultanbek Reipnazarovich

Doctor of Philosophy of Agricultural Sciences, Senior Researcher

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти

Научно-исследовательский институт селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка

Cotton Breeding, Seed Production and Agritechnologies Research Institute

Аннотация. Ушбу мақолада ғўзанинг ўрта толали С-6524, С-6560, ЎзПТИ-202 навларига кўчат қалинликларига боғлиқ равишда чилпишнинг таъсири келтирилган. Азот, фосфор, калийнинг ғўза барги ва чаноқдаги миқдори аниқланган. Ҳар бир ғўза навида гектарига 80-90, 100-110, 120-130 минг туп кўчат қолдирилди. Ушбу кўчат қалинликларида 11-12, 13-14, 15-16 ҳосил шохларида чилпиш ўтказилди. ЎзПТИ-202 ғўза навида 100-110 минг/га туп кўчат қолдириб, 13-14 ҳосил шохидида чилпиш ўтказилганда чаноқдаги азот миқдори юқори бўлган бўлса, С-6560 ғўза навида 120-130 минг туп қолдириб, 11-12 ҳосил шохидида чилпиш ўтказилганда фосфор миқдори юқори бўлганлиги кузатилди. С-6560 ғўза навида эса 80-90 минг/га туп кўчат қолдириб, 15-16 ҳосил шохидида чилпиш ўтказилганда калий миқдори юқори бўлганлиги аниқланди. Ғўза баргида NPK миқдори ўрганилганда, азот миқдор С-6560 ғўза навида 80-90 минг/га кўчат қолдириб, 15-16 ҳосил шохидида чилпиш ўтказилганда, фосфор С-6524 ғўза навида 80-90 минг туп/га кўчат қолдириб, 15-16 ҳосил шохидида чилпиш ўтказилганда, калий эса С-6524 ғўза навида 100-110 минг/га туп кўчат қолдириб 13-14 ҳосил шохидида чилпиш ўтказилганда юқори бўлганлиги аниқланди.

Калит сўзлар: типик бўз тупроқ, С-6524, С-6560, ЎзПТИ-202 ғўза навлари, кўчат қалинлиги, чилпиш муддатлари, ҳосил шохлари, барг, чаноқ, NPK.

Аннотация. В данной статье представлено влияние чеканки в зависимости от густоты стояния на средневолокнистых сортах хлопчатника С-6524, С-6560, УзПТИ-202. Определено количество азота, фосфора, калия в листьях и коробочках хлопчатника. По каждому сорту хлопчатника оставляли по 80-90, 100-110, 120-130 тысяч саженцев. Чеканка проводилась по 11-12, 13-14, 15-16 симподиальным веточкам в указанных густотах стояния. Количество азота было высоким у сорта хлопчатника УзПТИ-202, оставляя 100-110 тысяч густоты при чеканки 13-14 симподиальных ветвях, а количество фосфора было высоким у сорта хлопчатника С-6560 в 120-130 тысяч густоты стояния при 11-12 симподиальных ветвях чеканки. У сорта хлопчатника С-6560 установлено высокое содержание калия при оставлении 80-90 тыс. густоты стояния при 15-16 симподиальных ветвей. При изучении количества NPK в листьях хлопчатника выявлено, что высокая количество азота получено у сорта хлопчатника С-6560 при проведении чеканки на 15-16 симподиальных ветках на густоте стояния 80-90 тыс., а фосфор у сорта хлопчатника С-6524 при проведении чеканку на 15-16 симподиальных ветвях при густоте стояния 80-90 тыс., а калий у сорта хлопчатника С-6524 при проведении чеканки на 13-14 симподиальных ветвей при густоте стояния 100-110 тыс. га.

Ключевые слова: типично сероземные почвы, сорта хлопчатника С-6524, С-6560, УзПИТИ-202, густота стояния, сроки чеканки, сепподиальные ветвя, листья, черешки, NPK.

Abstract. This article presents the effect of minting topping on the density of standing on medium-fiber cotton varieties S-6524, S-6560, UzPITI-202. The amount of nitrogen, phosphorus, and potassium in the leaves and bolls of cotton was determined. For each cotton variety, 80-90, 100-110, 120-130 thousand seedlings were left. The minting was carried out on 11-12, 13-14, 15-16 sympodial branches in the indicated densities. The amount of nitrogen was high in the UzPITI-202 cotton variety, leaving 100-110 thousand densities with 13-14 sympodial branches, and the amount of phosphorus was high in the S-6560 cotton variety at 120-130 thousand densities with 11-12 sympodial branches. The cotton variety S-6560 has a high potassium content, leaving 80-90 thousand standing density with 15-16 sympodial branches. When studying the amount of NPK in cotton leaves, it was revealed that a high amount of nitrogen was obtained from the cotton variety S-6560 when chasing on 15-16 sympodial branches at a standing density of 80-90 thousand, and phosphorus from the cotton variety S-6524 when chasing on 15-16 sympodial branches at dense standing 80-90 thousand, and potassium in the cotton variety S-6524 when chasing on 13-14 sympodial branches at a standing density of 100-110 thousand hectares.

Key words: typical sierozem soils, cotton varieties S-6524, S-6560, UzPITI-202, standing density, timing of topping, sympodial branches, leaves, cherries, NPK.

КИРИШ

Бугунги кунда ғўзани парваришlash учун ресурс тежувчи технологиялар ишлаб чиқилмоқда. Шу билан биргаликда серхосил, тола сифати юқори ва тезпишар бўлган ғўза навлари яратилиб, республикамиз дала майдонларида экилмоқда. Яратилаётган ғўза навлари морфобиологик жиҳатдан бир-биридан фарқланиши билан бирга, тупроқ иқлим шароитига мослашиши турлича бўлади. Яъни такидлаш мумкинки навларнинг шурга чидамлилиги, гармсел шамолларига бардошлилиги, намлик ёки қурғоқчиликка талаби каби бошқа омилларни инobatга олиб жойлаштиришни тақозо этади. Шу билан биргаликда бажариладиган агротехник тадбирларни яратилган ғўза навларининг морфобиологикасига қараб қўллаш орқали ғўзалардан юқори ҳосил олиш мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир яратилган ғўза навларидан юқори ҳосил олиш учун экилаётган тупроқ иқлим шароитига мос бўлган агротехникасини ишлаб чиқиш долзарб масалаларнинг бири ҳисобланади.

Муълумки, дала майдонларидан олинадиган ҳосилни белгилайдиган асосий омиллардин бири бу тўлиқ қўчат ҳосил қилиш ҳисобланади. Шу билан биргаликда ғўза навларининг тавсифидан келиб чиққан холда қўчат қалинлигин белгилаш зарур. Шунингдек, ғўзага қўчат қалинлигига қараб чилпиш ўтказиш, олинадиган ҳосилга қўшимча ҳосил қўшиб беради. Шу нуқтай назардан бу борада илмий изла-нишлар олиб бориш ва олинган натижалар асосида ишлаб чиқаришга тавсиялар бериш пахтачилик билан шуғулланаётган фермер хўжаликлари учун муҳим аҳамият касб этади.

Олинадиган ҳосилни белгилайдиган яна бир муҳим омиллардан бири бу минерал ўғитлар ҳисобланади. Минерал ўғитларни ўсимлик томонидан ўзлаштирилишини аниқлаш орқали қўлланилаётган тадбирларнинг смарадорлигини аниқлаш мумкин.

ПСУЕАИТИ Сурхондарё филиалида Н.М.Абдурахимов ва С.Артиқовларнинг олиб борган тадқиқотларида, Термиз-24 ғўза нави қўлда чилпилганида

баргдаги NPK миқдори назоратга нисбатан 0,08: 0,04; 0,12, ҳосил элементларида эса N-0,17: P-0,16: K-0,77% га ортган. Механизмда чилпиш ўтказилганда эса баргда NPK 0,01:0,03:0,09% га, ҳосил элементларида эса 0,14: 0,14: 0,69% га ортганлиги аниқланган бўлса, кимёвий чилпиш яъни Пикс 1,5 л/га меъёрда қўлланилганда баргда NPK 0,17: P-0,14; 0,32% га, ҳосил элементларида 0,17: 0,23: 0,75% га кўпайиши кузатилган. Кимёвий чилпишда барг фаолиятининг ортиши ва фотосинтезнинг жадал кетиши натижасида қўлда ҳамда механизмда чилпилганга нисбатан NPK миқдори бироз юқори бўлиши исботлаган (Абдурахимов, Артиқов, 2001).

Р.Назаров ва Д.Тунгушоваларнинг маълумотларига кўра, айрим ғўза навлари ўзининг биологик хусусиятларидан келиб чиққан холда, маъдан ўғитларга бўлган талаби ўзига хос тарзда бўлиб, ўсиши, ривожланиши ва пахта ҳосилдорлигига ўғитлаш меъёрларининг жиддий таъсири кузатилмаган. Наманган-77 ғўза навини гектарига 120-130 минг туп/га қўчат қалинлигида парвариш қилинганда озиклантириш меъёрларидан қатъий назар энг юқори пахта ҳосилини олишга эришилган (Назаров, Тунгушова, 2009).

Я.Бўриевнинг илмий тадқиқотларида эса ғўза тупидаги барглarning юзаси парваришlash жараёнида қўлланилган агротадбирларга бевосита боғлиқ эканлиги кузатилган. Ғўзани озиклантиришда ўғитлар NPK-200-140-100 кг/га меъёрда берилганда, барг юзаси 676,3 см² га ошиши, ғўзани 4 марта суғориб, 507,0 м³/га кўп сув берилиши эса барг юзасининг 374,0 см² га катта бўлишини таъминлаган. Қўчат сонини гектарига 90 минг туп/га дан 120 минг туп/га га ортиши барг юзасининг 334,1-437,8 см² га камайишига олиб келган (Бўриев, 2013).

О.Рахматов ва бошқа бир қатор олимлар томонидан Қашқадарё вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида 108-Ф ғўза навини 110, 130, 160, 220 минг туп/га қўчат қалинликларида парваришlash, ғўза ҳосилдорлигига таъсири ўрганилганда, ушбу нав учун 90х7-1 экиш схемасида 153,8-155,1 минг туп/га қўчат

қалинлиги мақбул эканлиги аниқланган (Рахматов, 1983).

С.Х.Юлдошев ҳосил шохларидаги кўсакларнинг вазни, аввало уларни қайси конусда жойлашганлигига, қолаверса кўчат қалинликларига ҳамда ғўза навларининг биологик хусусиятларига ҳам боғлиқ деб таъкидлайди (Юлдошев, 1982).

Ўзанинг меъёрида ривожланиши ва ҳосил элементларининг тўкилишини камайтиришда чилпишнинг аҳамияти муҳим ҳисобланади. Аграда, чилпиш ўз муддатида ўтказилса ғўза меваларидаги углеводлар миқдори чилпиш ўтказилмаганга нисбатан юқори бўлиши кузатилади. Натижада ҳосил элементларининг тўкилиб кетишининг олди олиниб, кўсакларнинг етилиши 3-8 кунга тезлашади ва умумий ҳосилдорлик 5-8 ц/га ошади (Тошболтаев, 2016).

Ўзада кимёвий чилпиш ўтказилганда барг таркибидаги хлорофилл миқдори кўпайиб, фотосинтез интенсивлиги, азот-оксил ва фосфор моддаларининг алмашиш жараёни кучайди ва ўсимликларни ўстирувчи моддаларнинг синтези сусаяди (Пахтачилик справочниги, 1989).

Ж.Ахмедов ва бошқаларнинг тавсияларида унумдорлиги ўртача бўлган тупроқларда Бухоро-102 навида ғўза кўчат қалинлиги 90-100 минг туп/га ни ташкил этган пайкалларда 13-14 ҳосил шохида, кўчат қалинлиги 110-120 минг туп/га бўлганда 12-13 ҳосил шоҳда, кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га бўлганда 14-15 ҳосил шохида чилпиш ўтказиш мақбул деб билишган (Ахмедов, 2009).

М.Муҳаммаджонов, А.Зокировлар, агарда ғўзада ўсиш ва ривожланиш мутаносиб бўлса, ғовлаш аломатлари кўринмаса, кўплаб мева тўплаган бўлса, чилпишнинг зарурати бўлмаслигини, фақатгина чилпишни ғўзаларнинг ҳолатини ҳисобга олиб, табақалаштирилган ҳолда ўтказиш орқали, ҳосилни 2-7 центнерга ошириш мумкин деган фикрларни илгари сўришган. Шунингдек таъкидлаб ўтишганки, чилпиш ўтказилган ғўзаларда бу тадбир ўтказилмаган ғўзаларга нисбатан фосфорнинг миқдори баргда 33,3%, ҳосилда эса 41,6% кўп бўлишини кўрсатган (Муҳаммаджонов, Зокиров, 1995).

Юқорида келтириб ўтилган олимларнинг фикру мулоҳазаларидан кўриниб турибдики, кўчат қалинлиги ва чилпиш ўртасида узвий боғлиқлик борлиги, шунингдек навларнинг морфобиологиясига қараб табақалаштирилган ҳолда чилпиш кераклиги ва бу борада кўпроқ илмий изланишлар олиб бориш зарурати борлигидан далолат беради.

МАТЕРИАЛЛАР ВА УСЛУБЛАР

Дала тажрибалари Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг марказий тажриба ҳўжалигида С-6524, С-6560, ЎзПИТИ-202 ғўза навларида олиб борилди.

Дала тажрибалари ЎзПИТИда қабул қилинган "Дала тажрибаларини ўтказиш услублари" (2007)

ва «Ўза дефолиантларини синаш бўйича услубий кўрсатмалар» (2004) қўлланмалари асосида олиб борилди. Олинган ҳосилдорлик маълумотлари Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» (1985) қўлланмаси асосида дисперсион таҳлил услубида математик ишлов берилди.

Тажриба ҳар бир ғўза навида 12 вариантдан иборат бўлиб, 3 қайтариқда олиб борилди. Ҳар бир делянканинг майдони 36 м² ни, жами тажриба майдони 3888 м² ни ташкил этди. Тажрибада 80-90, 90-100 ва 120-130 минг туп/га кўчат ҳосил қилиниб фон яратилди ва ҳар бир кўчат қалинлиги фонида 11-12, 13-14 ва 15-16 ҳосил шохларида қўлда чилпиш ўтказилди. Назорат сифатида чилпилмаган вариант олинди.

НАТИЖАЛАР ВА МУНОЗАРА

Тадқиқотларда турли кўчат қалинлигида чилпиш ўтказилганда ғўзанинг ўсиб ривожланиши, кўсадаги пахта вазнининг ўзгарганлигини инobatга олган ҳолда, ўсимликдаги озик элементларининг (NPK) ўзгариши аниқлаб борилди. Олинган маълумотлардан шу маълум бўлдики, кўчат қалинлигига боғлиқ ҳолда чилпиш ўтказилгандан сўнг ўсимлик таркибидаги озик моддаларнинг ўзгариши бир-биридан фарқланди ва бу бўйича маълумотлар 1-2 жадвалларда келтирилган..

Вегетацияси даврининг охирига келиб, С-6524 ғўза навининг ўсимлик баргидаги NPK миқдори 80-90 минг туп/га кўчат қолдирилиб, 11-12 ҳосил шохи пайдо бўлганда чилпиш ўтказилганда, баргда азот 2,84% ни, фосфор 0,83% ни, калий 0,900% ни ташкил этган бўлса, чанокда бу кўрсаткичлар мос равишда 2,04-0,47-3,275% га тенг бўлганлиги аниқланди. Ўзада 13-14 ва 15-16 ҳосил шохлари пайдо бўлганда чилпиш ўтказилган вариантларда баргдаги NPK миқдори чилпиш ўтказилмаган фонга нисбатан бироз юқори бўлиб, азот 3,04-3,24%, фосфор 0,95-1,20%, калий 0,950-1,150% ни ташкил этди. Шунингдек, бу кўрсаткичлар чилпиш ўтказилмаган вариантда мос равишда 2,64-0,80-0,750% га тенг бўлганлиги аниқланди. Чилпиш 13-14 ва 15-16 ҳосил шохи пайдо бўлганда чилпиш ўтказилганда чанокдаги NPK миқдори қуйдагича: N 2,24-2,54; P 0,57-0,47; K 3,360-3,180% ни ташкил этган ҳолда чилпиш ўтказилмаган вариантга нисбатан N 0,24-0,54; P 0,17-0,07; K 0,170-0,180% га юқори бўлди.

Ўзада гектарига 100-110 минг кўчат қолдирилиб парваришланганда, чанокдаги NPK миқдори, 11-12; 13-14 ва 15-16 ҳосил шохида чилпиш ўтказилганда азот 2,34-2,54-1,78%, фосфор 0,42-0,53-0,44%, калий 3,090-3,185-3,071% ни ташкил этганлиги аниқланди. Азот миқдори чилпилмаган вариантда паст бўлиб, бу чилпиш ўтказилган вариантларга нисбатан 0,64-0,84-0,08% га камайганлиги аниқланди. Ушбу кўчат қалинлигида баргдаги NPK миқдори, 11-12; 13-14 ва 15-16 ҳосил шохида чилпиш ўтказилганда азот 3,14-3,34-3,24%, фосфор 1,08-1,17-0,91%, калий 1,054-1,750-1,059% ни ташкил этиб, чилпилмаган вариантга нисбатан азот 0,10-0,30-0,20%, фосфор 0,23-0,32-

1-жадвал

**Кўчат қалинлигига боғлиқ ҳолда чилпишнинг ғўза навларининг барг таркибидаги
NPK ўзгаришига таъсири**

№	Кўчат қалинлиги, минг/га	Чилпиш фонлари	C-6524			C-6560			УзПТИ-202		
			N	P	K	N	P	K	N	P	K
1	80-90 кўчат қалинлиги	11-12 ҳосил шохда	2,84	0,83	0,900	3,24	0,75	0,950	3,14	0,85	1,050
2		13-14 ҳосил шохда	3,04	0,95	0,950	3,66	0,85	1,050	3,24	0,90	1,065
3		15-16 ҳосил шохда	3,24	1,20	1,150	3,74	0,95	1,150	3,55	1,14	1,078
4		Чилпилмаганда	2,64	0,80	0,750	3,44	0,75	0,900	2,94	0,80	0,900
5	100-110 кўчат қалинлиги	11-12 ҳосил шохда	3,14	1,08	1,054	3,14	0,80	1,200	3,14	0,85	0,900
6		13-14 ҳосил шохда	3,34	1,17	1,750	3,34	0,95	1,250	3,34	1,00	1,150
7		15-16 ҳосил шохда	3,24	0,91	1,059	3,06	0,65	1,050	3,04	0,76	1,100
8		Чилпилмаганда	3,04	0,85	0,700	3,04	0,60	0,850	2,98	0,70	1,000
9	120-130 кўчат қалинлиги	11-12 ҳосил шохда	3,44	1,07	1,055	3,71	0,95	1,350	3,14	1,04	1,200
10		13-14 ҳосил шохда	3,28	1,00	0,950	3,55	0,85	1,200	3,04	0,95	1,150
11		15-16 ҳосил шохда	3,24	0,91	0,900	3,34	0,78	1,150	3,00	0,80	1,050
12		Чилпилмаганда	2,84	0,80	0,050	3,01	0,73	1,050	2,91	0,75	0,900

2-жадвал

**Кўчат қалинлигига боғлиқ ҳолда чилпишнинг ғўза наварининг чаноқ таркибидаги
NPK ўзгаришига таъсири**

№	Кўчат қалинлиги, минг/га	Чилпиш фонлари	C-6524			C-6560			УзПТИ-202		
			N	P	K	N	P	K	N	P	K
1	80-90 кўчат қалинлиги	11-12 ҳосил шохда	2,04	0,47	3,270	2,16	0,50	3,450	1,96	0,50	3,000
2		13-14 ҳосил шохда	2,24	0,57	3,350	2,24	0,53	3,450	2,14	0,57	3,180
3		15-16 ҳосил шохда	2,54	0,47	3,360	2,34	0,60	3,540	2,54	0,64	3,250
4		Чилпилмаганда	2,00	0,40	3,180	2,14	0,42	3,000	1,94	0,45	2,850
5	100-110 кўчат қалинлиги	11-12 ҳосил шохда	2,34	0,42	3,090	2,04	0,47	2,850	2,69	0,47	3,000
6		13-14 ҳосил шохда	2,54	0,53	3,185	2,14	0,64	3,180	2,84	0,71	3,180
7		15-16 ҳосил шохда	1,78	0,44	3,071	1,94	0,57	2,550	2,74	0,60	2,850
8		Чилпилмаганда	1,70	0,40	2,850	1,86	0,44	2,850	2,64	0,42	2,700
9	120-130 кўчат қалинлиги	11-12 ҳосил шохда	2,14	0,60	3,270	2,24	0,71	3,090	2,24	0,57	3,360
10		13-14 ҳосил шохда	1,94	0,57	3,180	2,14	0,60	3,000	2,04	0,53	3,270
11		15-16 ҳосил шохда	1,86	0,50	3,090	1,88	0,42	2,950	1,86	0,50	3,090
12		Чилпилмаганда	1,39	0,35	2,550	1,86	0,35	3,090	1,70	0,45	3,050

0,06%, калий 0,354-1,05-0,359% ошганлиги кузатилди.

Ѓўза гектарига 120-130 минг кўчат қалинлигида парваришланган фоннинг 11-12 ва 13-14 ҳосил шохда чилпиш ўтказилган вариантларида чаноқдаги NPK миқдори мутаносиб равишда, азот 2,14-1,94%, фосфор 0,60-0,57%, калий 3,270-3,180% ни ташкил этган бўлса, баргда азот 3,44-3,28%, фосфор

1,07-1,00%, калий 1,055-0,950% бўлди. Чилпиш 15-16 ҳосил шохда ўтказилган ва умуман чилпиш ўтказилмаган вариантларда бу кўрсаткичлар мос равишда чаноқдаги азот 1,86-1,39%, фосфор 0,50-0,35%, калий 3,090-2,550% ни ташкил этиб, баргда азот 3,24-2,84% ни, фосфор 0,91-0,80% ни, калий 0,900-0,050% ни ташкил этганлиги аниқланди. Ушбу

фонда энг юқори кўрсаткичлар чилпиш 11-12 ҳосил шохда ўтказилган вариантда аниқланиб, чилпилмаган вариантга нисбатан чаноқдаги азот 0,75% га, фосфор 0,25% га, калий 0,72% га ортган бўлса, баргдаги азот 0,60% га, фосфор 0,27% га, калий 1,005% га ортганлиги маълум бўлди.

Шунга ўхшаш маълумотлар ўрта толали С-6560 ҳамда ЎзПТИ-202 ғўза навларида ҳам кузатилиб, тегишлича маълумотлар олинди.

ХУЛОСА

Олинган натижалардан хулоса ўрнидан шуни айтиш мумкинки, ўрта толали С-6524, С-6560 ҳамда ЎзПТИ-202 ғўза навларида кўчат қалинлиги 80-90 минг туп/га бўлганда 15-16 ҳосил шохи пайдо бўлганда, 100-110 минг туп/га қолдирилганда 13-14 ҳосил шохи, 120-130 минг туп/га бўлганда эса 11-12 ҳосил шохи пайдо бўлганда ўтказилганда юқори бўлиши маълум бўлди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдурахимов Н.М., Артиқов С. Ғўза баргида ва ҳосил элементларида азот, фосфор, калийнинг тақсимланишига чилпиш усуллари таъсири. / Навларни янгилаш, жойлаштириш ва парвариш технологияси. Республика илмий амалий конференцияси мақолалар тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001-Т. – Б. 14 -15.
2. Ахмедов Ж., Хасанова Ф., Ниязалиев Б., Абдуалимов Ш., Синдаров О. Мўл пахта ҳосили. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали, 2009; №7– Б. 1-2.
3. Бўриев Я. Ғўза барг сатҳи юзаси ўзгаришига турли агроомилларнинг таъсири. // Агро илм журнали, 2013; №3(27) –Б. 20.
4. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент, 2007. – 147 б.
5. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – Москва, 1985.– 416 с.
6. Муҳаммаджонов М., Зокиров А. Ғўза агротехникаси. – Тошкент. Меҳнат, 1995. – Б. 246-331-340.
7. Назаров Р., Тунгушева Д. Генотипическая специфика корневого питания. // Агро Илм, 2009, №3 –Б. 3-4.
8. Пахтачилик справочниги. Тошкент: Меҳнат, 1989. Б. 132-460
9. Рахматов О, Эгамшукуров Т, Разимуродов О. Оптимальная густота стояния растений - залог высокого урожая. // Хлопководство. 1983 г, № 3, -С. 15-16.
10. Тошболтаев М. Ғўза тупларига шакл берувчи машинанинг назарияси ва ҳисоби. –Тошкент: “Фан ва технология”, 2016. –5 б.
11. Юлдошев С.Х. Ғўза селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияларининг долзарб муаммолари ҳамда уни ривожлантириш истиқболлари. / Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. –Тошкент, Ўзбекистон, 2017.

Муаллифлар ҳақида маълумот:

Алланазаров Султанбек Рейпназарович, қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори, катта илмий ходим Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, (Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси 1), alla.sultan.reip.9@mail.ru, ORCID ID 0000-0001-5671-6751

Поступило в редакцию 18.12.2024

УЎТ: 633.511:631.4:621.7.019

**ЭКОЛОГИК ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ШАРОИТИДА
ДЎЗА ДЕФОЛИАЦИЯСИ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШДА
ОБ-ҲАВОНИНГ ТАҲЛИЛИ**

**ПОГОДНЫЙ АНАЛИЗ ПРИ ОПРЕДЕЛЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ
ДЕФОЛИАЦИИ ХЛОПКА В УСЛОВИЯХ ИЗМЕНЕНИЯ
ЭКОЛОГИЧЕСКОГО КЛИМАТА**

**WEATHER ANALYSIS IN DETERMINING COTTON DEFOLIATION
EFFICIENCY UNDER ENVIRONMENTAL CLIMATE CHANGE**

**Убайдуллаев Мадаминжон Мўминжонович, қишлоқ хўжалиғи фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент*

***Тешаев Фатхулло Жўракулович, қишлоқ хўжалиғи фанлари доктори, профессор*

**Убайдуллаев Мадаминжон Моминжонович, доктор философии по сельскохозяйственным наукам, доцент*

***Тешаев Фатхулло Джоракулович, доктор сельскохозяйственных наук, профессор*

**Ubaydullaev Madaminjon Mominjonovich, Doctor of Philosophy of Agricultural Sciences, Associate Professor*

***Teshaeв Fathullo Jorakulovich, Doctor of Agricultural Sciences, Professor*

**Фарғона политехника институту*

****"Bionovatik agro" МЧЖ*

**Ферганский политехнический институт*

***ООО «Бионоватик Агро»*

**Ferghana polytechnic institute*

***«Bionovatik Agro» LLC*

Аннотация. Ҳар бир ҳудуднинг табиий иқлим ва тупроқ шароитлари, ғўзани парваришладда ўтказилаётган агротехник тадбирлар етиштириладиган ҳомашёнинг микдорига ва сифатига ўз таъсирини кўрсатади. Айниқса, ғўза дефолиацияси ўтказиладиган далаларда табиий-иқлим шароитларининг ўрни муҳимдир. Ушбу мақолада экологик иқлим ўзгаришининг ҳозирги ҳолати, унинг оқибатлари, Фарғона вилоятининг ўтлоқи соз тупроқлари шароитида С-8290, С-6775, С-9090, Наманган-77 ва Андижон-35 ўрта толали ғўза навларида дефолиация агротадбирини ўтказиш учун об-ҳаво ҳарорати тажриба йиллари кесимида ўрганилган ва ёғингарчилик март ойида ўртача 19,6 мм ни, апрелда 7,2 мм ни, май ойида 17,4 мм ни ва июнь ойида эса 6,3 мм ни ташкил этиб, асосий ёғингарчилик март ойида 19,6 мм бўлганлиги каби илмий асосланган маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: иқлим ўзгариши, ғўза, ҳарорат, ёғингарчилик, кўрсаткичлар.

Аннотация. Природно-климатические и почвенные условия каждого региона, агротехнические мероприятия, проводимые по уходу за хлопчатником, оказывают свое влияние на количество и качество выращиваемого сырья. Роль природно-климатических условий особенно велика на полях, где проводится дефолиация хлопчатника. В статье рассмотрено современное состояние экологического изменения климата, его последствия, годы погодно-температурного эксперимента для проведения дефолиационных агромероприятий на средневолокнистых сортах хлопчатника С-8290, С-6775, С-9090, Наманган-77 и Андижан-35. В условиях лугопастбищных почв Ферганской области изучается участок, а средняя сумма осадков составляет 19,6 мм в марте, 7,2 мм в апреле, 17,4 мм в мае и 6,3 мм в июне, а основная сумма осадков составляет 19,6 мм в марте. информация предоставлена.

Ключевые слова: изменение климата, хлопок, температура, осадки, индикаторы.

Annotation. The natural climatic and soil conditions of each region, agrotechnical activities carried out in the care of cotton have their influence on the quantity and quality of the cultivated raw material. The role of natural

and climatic conditions is especially important in the fields where cotton defoliation is carried out. In this article, the current state of ecological climate change, its consequences, weather temperature experiment years for conducting defoliation agro-measures in S-8290, S-6775, S-9090, Namangan-77 and Andijan-35 medium-fiber cotton varieties in the conditions of grassland soils of Fergana region. studied in the section and the average precipitation is 19.6 mm in March, 7.2 mm in April, 17.4 mm in May and 6.3 mm in June, and the main precipitation is 19.6 mm in March. based information is provided.

Key words: climate change, cotton, temperature, precipitation, indicators.

КИРИШ

Юртимизда глобал иқлим ўзгариши кўплаб салбий оқибатларга олиб келмоқда. Жумладан, ҳарорат кўтарилиши натижасида сувнинг буғланиш кўрсаткичининг ошиши айрим ҳудудларда сув ресурслари камайишига, танқислигига таъсир қилмоқда. Экологик танглик оқибатида йил давомида умуман ёгингарчилик бўлмаган кунлар сони ортмоқда, тупроқда сизот сув сатҳининг пастлаб кетиши натижасида ҳосилдорлик кўрсаткичлари тушиб кетмоқда, тубдан исиш ва совиш каби беқарор аномал ҳодисаларнинг ўзгариши қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва меваларнинг касалланишига ҳамда нобуд бўлишига олиб келмоқда (<https://kun.uz>).

Бошқа экинлар сингари ғўза ўсимлигининг ҳам ўсиб ривожланишида, бир фазадан иккинчи фазага ўтишида табиий иқлим шароити, яъни ҳаво ҳарорати, намлиги, ёгингарчилик миқдори, эсаётган шамол тезликлари ва бир қатор табиий омиллар муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ўсимлик танасида кечадиган ҳар қандай физиологик-биокимёвий жараёнлар, реакциялар маълум ҳарорат, намлик ва ёруғликда содир бўлади. Ҳар бир ҳудуднинг табиий иқлим ва тупроқ шароитлари, ғўзани парваришlashда ўтказилаётган агротехник тадбирлар етиштирилаётган хомашёнинг миқдорига ва сифатига ўз таъсирини кўрсатади. Айниқса, ғўза дефолиацияси ўтказиладиган дала-ларда табиий-иқлим шароитларининг ўрни муҳимдир. Шу муносабат билан тажриба ўтказилган йилларда ҳудуднинг табиий иқлим шароитлари асосий омиллардан бири сифатида аниқлаб борилиши долзарб ҳисобланади (Тешаев, Убайдуллаев, 2020).

Ўзанинг ривожланиши, баргининг кам ёки кўплиги ва ҳавонинг ҳароратига қараб бир хўжаликда дефолиацияга киришишдан олдин дала шароити ўрганилиб, бу тадбирни табақалаштирилган ҳолда ўтказиш лозим (Назаров, 2004).

Ҳарорат қанча баланд бўлса, дефолиантнинг барг ичига кириш қобилияти шунча юқори бўлади. Ишлатилаётган дефолиантлар ҳарорат 17-18 даражадан паст бўлса, яхши таъсир кўрсатмайди (Имомалиев, Худойберганов, 1980).

М.Муҳаммаджонов ва А.Зокировларнинг ёзишича дефолиация ўтказишда ҳаво ҳарорати муҳим аҳамият касб этади. Иссиқлик ҳароратининг 18-21°C атрофида бўлиши мўътадил ҳисобланади. Суткалик ҳарорат 14-15°C бўлса баргларнинг тўкилиши камаяди, агар ҳарорат 21°C дан ортиб кетса дефолиант меъёрини

10 фоизга камайтириш керак бўлади (Муҳаммаджонов, Зокиров, 1995)

Т.Тўрахўджаев, Н.Арслоновларнинг фикрича, дефолиацияни ўтказишда ғўза навларининг ўзига ҳос хусусиятларини ва атроф муҳитни барча омиллари таъсирини ҳисобга олиш зарур, шундагина дефолиация самарали бўлади (Тўрахўджаев, Арслонов, 1985).

Е.Ј. Jones, G.D. Wills, J.E. Hanks ва A.B. Curry ларнинг аниқлашларича, кўсакнинг тўла етилиб пишишигача бўлган муддат ўсув ва об-ҳаво шароитларига боғлиқ бўлади. Иссиқ ва қуруқ иқлим кўсакларнинг пишишини тезлаштиради, аксинча салқин ва нам иқлим шароитлари кўсаклар пишишини секинлаштиради (Jones et al., 1999).

J. Logan, C.O. Gwathmey ларнинг таъкидлашларича, қўлланилган дефолиантларнинг таъсири кундузги ва кечки ҳаво ҳароратларига боғлиқ бўлади (Logan, Gwathmey, 2002).

К.Насриддинов Андижон вилоятида Бутифос дефолиантини ташқи омилларга боғлиқ ҳолда ғўзага қўллаш меъёрларини аниқлаб, шундай ҳулосага келадик, дефолиациядан олдин тупроқ намлиги 60-70% бўлиши керак, акс ҳолда дефолиация жуда кам самара беради (Насриддинов, 1977).

J.A. Riley нинг айтишича, пахта терими даврида ғўза қатор ораларидаги ҳаво намлигининг ортиши, тола сифатини пасайтиради. Қолаверса бу ердаги ҳавонинг нисбий намлиги асосан ғўзанинг барг сатҳи юзасига боғлиқ бўлиб, барглар тўкилгач бу кўрсаткич камайган (Riley, 1985).

L.G. Thead таъкидлашича, қурғоқчил ҳароратли минтақаларда пахта етиштириувчилар кўпинча ноқулай шароитларда ўсган ғўзани дефолиация қилишда муаммоларга дуч келишади. Тупроқ намлигининг пастлиги ва ҳаво ҳароратининг юқорилиги сабабли ғўза стресс ҳолатга тушади (Thead, 1997).

А.Имомалиев, К.Худойбергановларнинг фикрича ғўзани дефолиация қилишда ҳаво ҳароратини, тупроқ намлигини, шамол тезлиги каби табиий омилларни инобатга олиш зарур ҳисобланади ва шундагина қўлланилган дефолиантлар ўзининг ижобий хусусиятини намоён этади (Имомалиев, Худойберганов, 1980).

Дефолиантларни турли об-ҳаво шароитларида ва турли агротадбирларга боғлиқ ҳолда ўрта толали ғўза навларида мақбул меъёр ва муддатларини баҳолаш олиб бораётган изланишларнинг янгилигини ва ечилиши лозим бўлган долзарб муаммо эканлигини кўрсатади.

Демак, юқоридаги олимларнинг олиб борган илмий маълумотларининг шарҳларига қараганда дефолиациянинг самарадорлиги кўпгина агротадбирларга боғлиқлигига гувоҳ бўламиз. Лекин, бу борадаги муаммолар тўлалигича ўрганилмаганлиги, илмий жиҳатдан ҳал қилинмаганлиги, қолаверса кейинги йилларда об-ҳавонинг кескин ўзгариб бориши ёки ҳар бир ҳудуднинг иқлим шароитларига мос янги, ярим юмшоқ таъсир этувчи турли хил хорижий ва маҳаллий дефолиантларнинг яратилиши, ғўзани сунъий барг-сизлантириш бўйича илмий изланишларни узулуксиз давом эттиришни тақазо этади.

МАТЕРИАЛЛАР ВА УСЛУБЛАР

Тадқиқотлар Фарғона вилояти Қува туманида жойлашган Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий тажриба станциясининг ўтлоқи соз, механик таркибига кўра оғир кумоқ, кам шўрланган, сизот сувлари 1,6-1,8 метр чуқурликда жойлашган тупроқ шароитида олиб борилди. Дала ва лабораториядаги илмий изланишлар ПСУЕАТИда қабул қилинган “Методика полевых опытов с хлопчатником” (1981), “Дефолиантларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар” (2004) ва “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (2007) қўлланмалари асосида олиб борилган. Маълумотларга статистик ишлов беришда Б.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” (1985) қўлланмасидан фойдаланилган.

“Методика агрофизических, агрохимических и микробиологических исследований почв и растений” китобида ёзилган услублар асосида ўтказилган.

Тажриба даласининг тупроқларига агрохимёвий тавсиф беришда тажрибани бошлашдан олдин 0-30 ва 30-50 см қатламлардан тупроқ намуналари олиниб, тупроқдаги умумий чиринди миқдорини аниқлаш учун И.В.Тюрин, умумий азот ва фосфорни аниқлашда И.М.Малцева ва Л.Н.Гритценко услубларидан, нитратли азотни аниқлашда ионометрик асбобдан, ҳаракатчан фосфорни аниқлашда Б.П.Мачигин ва алмашинувчи калийни аниқлашда П.В. Протасов услубларидан фойдаланилган.

Пахта толасининг технологик хусусиятлари «Методы определения свойств хлопка-волокна» (1972) услубида аниқланди. Толанинг нави ЛПС-4 дастгоҳида, тола чиқими жиндан чиқариш, 1000 дона чигит вазни лаборатория тарозисида ўлчаш йўли билан аниқланган.

Ўсув даврида ҳар ойнинг биринчи куни ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши (бўйи, ҳосил шохи, ҳосилни шоналари, шона, гул, тугунча, кўсак сони) ҳар бир ғўза навидан 5 нуқтада 25 тадан ўсимликда аниқланди.

Ќўза навларининг амал даврида қуруқ масса тўплаши ўрганилди.

Ўсимлик барг сатҳининг юзаси А.Ничипорович (1961) услубига асосан аниқланди.

Дефолиациядан олдин, етти ва ўн тўрт кун ўтгач

ҳар бир вариантда ўсимликда қуриган, ярим қуриган, яшил барглар, очилган ва ярим очилган кўсаклар сони ҳисобланди сўнгра олинган маълумотлар фоиз ҳисобида келтирилди.

Чигитнинг мойдорлиги ва ядродаги мой ва чиқим миқдори аниқланди.

Ҳар бир пахта терими олдидан I ва II қайтариқлардан вариантлар бўйича 50 донадан кўсак пахтаси умумий терим ҳисобида териб олиниб, олинган намуналардан бир дона кўсак пахта вазни ва пахта толасининг технологик хусусиятлари ҳамда чигит сифати вариантлар бўйича аниқланган.

Ўтказилган барча таҳлиллар «Методы определения свойств хлопка-волокна», (Москва, 1972) услубномаси асосида ва ГОСТ 3274, 0-72, ГОСТ 3274, 5-72, ГОСТ 2182, 0-76 бўйича аниқланди. Толанинг нави ЛПС-4 асбоби ёрдамида, чигитнинг мойдорлиги Соксклет асбобида аниқланди.

Пахта ҳосили вариантларда теримлар ва қайтариқлар бўйича аниқланди. Теримлар бўйича олинган ҳосил вариант ва қайтариқлар бўйича таҳлил қилиниб, сифат структураси (ассортимент) ҳисобланган.

Олинган ҳосил ва фенологик кузатиш маълумотларига Б.А.Доспеховнинг (1979; 1981) «Методика полевого опыта» қўлланмаси асосида дисперсион таҳлил услубида математик ишлов берилди.

Иқтисодий самарадорлик «Основные положения определения экономической эффективности использования в сельском хозяйстве результатов НИР, новой техники и изобретений, рационализаторский предложений» (1987) қўлланмасида келтирилган услублар бўйича ҳисобланган.

НАТИЖАЛАР ВА МУНОЗАРА

Тадқиқотлар 2018-2022 йиллар мобайнида олиб борилди. Тажриба давомида табиий иқлим шароитлари, яъни ҳаво ҳарорати ва ёғингарчилик миқдори, шамол тезлиги кузатиб борилди. Вилоят ҳудуди Қўқон ва Фарғона агроиқлим туманларига бўлинади. Қўқон агроиқлим туманининг шимолий чегараси Сирдарё бўйлаб, ғарби эса Қайроққум сув омборигача боради. Жанубий чегараси катта Фарғона канали бўйлаб, шарқи Андижон вилояти билан чегарадош. Бу туман юқори термик ҳароратга эгаллиги билан ажралиб туради. Самарали ҳаво ҳароратининг йиллик йиғиндиси 2500-2800°C га тенг, яъни иссиқ минтақага мансуб. Об-ҳаво шароити 44-46°C иссиқдан, 16-19°C совуқгача боради. Бир йилда илиқ кунлар 206-218 га тўғри келади. Бу туман ўзининг ниҳоятда қурғоқчилиги билан ажралиб туради. Масалан, ўртача йиллик ёғингарчилик миқдори Ултармада атиги 85 мм ни, Қўқонда 86 мм ни ташкил этади. Туманнинг энг характерли белгиси, айниқса баҳор ойларида шамолнинг кўплигидир. Қўқон шамоли деган кучли шамоллар баҳорда тез-тез бўлиб туради. Шамолнинг тезлиги ҳатто 35-45 м/сонияни ташкил қилади.

Фарғона вилояти Қува тумани Фарғона филиалида жойлашган “Федченко” номли метеорологик шаҳобчасининг маълумотларига кўра тадқиқот ўтказиш йилларида қишлоқ хўжалиги экинларининг ўсиши ва ривожланиши учун ҳаво ҳароратида кескин ўзгариш бўлмади яъни, ўртача мўътадил шароит бўлди.

Олиб борилган йилнинг биринчисид (1-2-тажрибалар) яъни 2018 йилда, ҳаво-ҳарорати январь, февраль ойларида кўп йиллик (-0,2 ва 2,7) дан баланд (3,2 ва 5,6 °C) бўлиб, ёғин миқдори январь ойида 17,3 мм ни ва февраль ойида 8,4 мм. ни ташкил этди. Шунинг таъкидлаш керакки, баҳор ойлари жуда серёғин келиб, ҳаттоки июнь ойигача давом этди. Чунончи, ёғингарчилик март ойида ўртача 19,6 мм ни, апрелда 7,2 мм ни, май ойида 17,4 мм ни ва июнь ойида эса 6,3 мм ни ташкил этиб, асосий ёғингарчилик март ойида 19,6 мм бўлди. Шу боисдан ерга чигит қадаш ишлари 15-20 кунга орқага сурилди.

Ёз ойларида ҳаво ҳарорати ўртача кўп йилликдан паст бўлмаган ҳолда, 26,6-27,2-26,0 °C ни, куз ойларида эса кўп йилликдан бироз юқори бўлганлиги боис бир оз кеч бўлсада ғўза ниҳоллари яхши ривожланиб энг сўнги агротехник тадбирлардан бири бўлган ғўза дефолиациясини ўтказишга имкон туғилди.

2019-йилнинг январь ва февраль ойларида ҳаво-ҳарорати кўп йилликдан баландроқ бўлиб ўртача 1,8-4,3 °C ни ташкил этди. Ушбу йили ёғингарчилик бошқа йилларга нисбатан кўп бўлиб январь ва февраль ойларида 25,2 ва 16,6 мм ни ташкил этганлиги кузатишган бўлса, март ва апрель ойларида ёғингарчилик миқдори бироз камайган ҳолда 13,0-21,2 мм ни ташкил этди. Ҳаво ҳарорати март ва апрель Ойларида 12,3-

16,8 °C ни ташкил этиб, кўп йилликга ва 2018-йилга нисбатан бироз юқорироқ бўлганлиги учун чигитни ўз вақтида экиб олиш имконини берди.

Ҳаво ҳарорати 2020 йилда чигит экиш учун жуда қулай келиб апрель ойининг иккинчи ва учинчи декадаларида 15,4-21,2 °C ни ташкил этган ҳолда олдинги йилларга нисбатан бироз юқорироқ бўлганлиги ва ёғингарчилик ҳам апрель ойининг иккинчи декадасида бир оз кўп миқдорда бўлиб 26,2 мм ни, апрель ойининг учинчи декадасида ёғингарчилик оз яъни 3,3 мм ни ташкил этган билан ажралиб турди.

Таъкидлаш жоизки, бу (2020) йили ҳар уччала дала тажрибаларида чигитлар 27-апрел куни экилиб, тўла ниҳоллар ундириб олинган. демак, иқлимни қулай келганлигидан далолат беради.

2021-йилнинг баҳорида ўртача ойлик ҳаво ҳарорати (мартда) 12,6 C° ни ташкил этган ҳолда кўп йилликдан 3,3 C° га юқори бўлган ҳолда апрелда бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 5,9 C° – 0,3 C° ни ташкил этганлиги кузатишган. Бу йилнинг шароитида чигит 11-апрелда экилиб, 19-апрелда 59 % ниҳоллар униб чиққанлиги аниқланган (3-тажриба).

Тадқиқотларнинг охириги (2022) йилида март ойида ўртача ҳаво ҳарорати 12,5 C° га тенг бўлиб, 1,1 C° юқори бўлганлиги кузатишган. Ёғингарчилик эса апрелда 7,6 мм ни ташкил этган ҳолда кўп йилликдан 14,7 мм га кам бўлган, натижада чигит суви беришга тўғри келган.

Сентябрь, октябрь ойларида ҳаво ҳарорати ўртача 20 ва 15,7 C° ни ташкил этиб, кўп йилликдан мутаносиб равишда 0,2 C° га ва 2,1 C° га юқори бўлганлиги пахта ҳосилини ўз муддатларида йиғиб – териб олишга шароит яратган.




Диаграмма. Ҳаво ҳарорати ва ёғингарчилик миқдори, мм.

Жадвал

Об-ҳаво шароитлари тўғрисида маълумот, 2018-2022 йй.
(Фарғона вилояти Қува туманидаги ПСУАЕИТИ нинг “Федченко” номли агрометеорология станцияси маълумоти)

Ойлар	Январь			Февраль			Март			Апрель			Май			Июнь											
Ҳаво ҳарорати, °C																											
Йиллар	I	II	III	Ўр	I	II	III	Ўр	I	II	III	Ўр	I	II	III	Ўр	I	II	III	Ўр							
2018	3,6	3,0	2,9	3,2	3,3	2,0	11,5	5,6	14,7	10,9	15,5	13,7	13,9	17,7	18,9	16,8	22,2	19,9	23,0	21,7	26,9	27,0	25,8	26,6			
2019	1,3	2,0	2,0	1,8	3,6	5,4	3,9	4,3	9,7	13,0	14,2	12,3	17,6	18,0	14,9	16,8	20,5	22,7	22,5	21,9	22,6	24,2	26,7	24,5			
2020	1,6	1,0	1,5	1,4	4,5	4,0	7,8	5,4	8,4	13,1	14,6	12,0	14,2	15,4	21,2	16,9	20,8	20,5	26,1	22,5	26,0	25,7	25,2	25,8			
2021	1,7	1,9	2,6	2,0	3,4	2,5	8,1	4,6	12,1	11,2	14,6	12,6	14,0	17,8	16,1	15,9	20,8	18,9	23,1	20,9	27,0	26,8	26,4	26,9			
2022	1,5	1,0	1,2	1,2	3,5	4,1	6,9	6,5	9,3	13,1	15,1	12,5	16,1	16,1	19,8	17,3	20,5	21,2	22,8	21,5	23,5	25,6	26,5	25,2			
Қўп йиллик	0,0	-0,4	-0,1	-0,2	1,7	2,3	4,2	2,7	7,2	8,8	11,8	9,3	13,5	16,5	18,5	16,2	19,4	21,2	22,5	21,0	24,3	25,8	27,1	25,7			
Ўғингарчилик маълумоти, мм																											
2018	7,1	4,6	5,6	17,3	8,4	-	-	8,4	0,0	16,0	3,6	19,6	6,4	0,0	0,8	7,2	6,2	7,0	4,2	17,4	0,0	3,3	3,0	6,3			
2019	9,1	11,3	4,8	25,2	4,8	11,2	0,6	16,6	5,1	6,1	8,8	13,0	9,3	3,1	8,8	21,2	0,0	0,3	4,8	5,1	9,4	1,9	0,0	11,3			
2020	4,5	8,1	3,6	16,2	-	34,0	12,9	46,9	9,4	-	2,1	11,5	5,0	26,5	3,3	34,5	4,0	4,5	0,0	8,5	2,4	0,0	0,0	2,4			
2021	8,1	7,8	4,6	20,5	4,8	10,5	1,8	17,1	8,1	-	3,1	11,2	4,8	0,5	0,7	6,0	6,0	7,0	4,2	17,2	0,0	1,0	0,0	1,0			
2022	5,6	5,9	3,7	15,2	3,7	32,4	13,0	49,1	7,6	5,1	6,1	18,8	5,1	1,1	1,4	7,6	0,5	0,4	4,6	5,0	8,1	3,9	0,0	12,0			
Қўп йиллик	7,5	8,3	7,8	23,6	8,2	12,0	5,2	25,4	8,1	9,8	19,4	28,3	6,9	8,8	6,7	22,4	8,2	7,5	8,5	24,2	4,4	2,2	3,0	9,6			
жами																											



2-диаграмма. Об-ҳавонинг ҳарорат кўрсаткичлари

ХУЛОСА

1. Умуман олганда, тадқиқот ўтказилган йилларда (2018-2022) ғўзанинг ўсиб ривожланиши учун об-ҳавонинг қулай табиий шароитда бўлганлиги, яъни ҳавонинг ҳарорати ва самарали ҳарорат йиғиндиси етарли бўлганлиги қайд этилди. Қолаверса, дефолиация даврида ёғингарчиликлар бўлмаганлиги ҳамда ҳавонинг ўртача ҳарорати 22 °C дан юқори бўлганлиги ҳам қўлланилган дефолиантлар учун қулай иқлим бўлиб, дала тажрибаларини услубий жиҳатдан тўғри ўтказилишига асос бўлган.

2. Ёўза навларининг ўсиши ва ривожланиши об-ҳавонинг мўтадил бўлганлиги қараб уларнинг биологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда ниҳолларни униб чиқиш даражасининг давоми бўлиб ҳисобланади. С-8290 ғўза навининг амал даври охирида бош поянинг баландлиги 93,4 см, ҳосил шохлари сони 13,6 донани, кўсақлар сони 13,9 донани, шу жумладан очилганлари 34,6 %, ярим очилганлари эса 2,9 % га тенгбўлган ҳолда нисбатан юқори кўрсаткичлар С-9090 навида олинган ва С-8290 навидан мутаносиб равишда 1,8 см, 0,2; 0,1 дон ва 5,8; 1 юқори, кўсақлар сони Наманган-77 навиникидан 0,8 дон ва, очилганлари 7,0 % га, ярим очилганлари 0,5 % га, қолаверса Андижон-35 навиникидан 1,1 дон ва 7,3; 1,8 % га, С-6775 навиникидан эса 1,1 дон ва 6,9; 2,9 % га ортиқча бўлганлиги аниқланган.

3. Ёўза навларининг қуруқ масса тўплаши аввало йилнинг об-ҳаво иқлим шароитларига қолаверса уларнинг биологик хусусиятларига боғлиқ бўлиб, С-8290, Наманган-77, С-9090, Андижон-35 ва С-6775 ғўза навларининг пишиш давридаги пахта вазнлари мутаносиб равишда 48,4; 47,9; 49,7; 48,0 ва 46,8 г ни, 1 ўсимликнинг қуруқ массаси эса 140,6; 139,9; 143,5; 141,5 ва 136,5 г ни ташкил этган ҳолда нисбатан юқори кўрсаткичлар С-9090 навида кузатилиб, пахта вазни С-8290 навиникидан 1,3 г, Наманган-77 никидан 2,0 г, Андижон-35 навиникидан 1,7 г ва 2,9 г га ҳамда 1 ўсимликнинг вазни 2,9; 3,6; 2,0 ва 7,0 г га ортиқча бўлганлиги кузатилган.

4. Дефолиантларнинг самарадорлиги об-ҳаво ҳароратининг турли омилларига ва ёўза навларининг барг сатҳи юзасига ҳам боғлиқлиги, лекин пахта ҳосили ва унинг сифати барг сатҳи юзасига тўғри пропорционал эмаслиги кузатилган. Ёўза навларининг барг сатҳи юзаси гуллаш давридан бошлаб пишиши кузатилиб, нисбатан мақбул кўрсаткичлар С-9090 ғўза навида олинган ва пишиш даврида 28864,4 м2/га ни ташкил этган ҳолда С-8290 навиникидан 1269,0 м2/га ортиқча, аммо Наманган-77 навиникидан 673,7 м2/га, Андижон-35 дан 1009,8 м2/га ва С-6775 навиникидан 873,2 м2/га камроқ эканлиги аниқланган.

ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Муҳаммаджонов М., Зокиров А. Ёўза агротехникаси. —Тошкент: Меҳнат, 1995. —Б. 334-338.
2. <https://kun.uz/uz/news/2021/08/12/iqlim-ozgarishi-va-insoniyat-global-isish-natijasida-yuzaga-kelishi-mumkin-bolgan-tahdidlar>
3. Тешаев, Ф. Ж., & Убайдуллаев, М. М. (2020). Определение эффективных норм новых дефолиантов в условиях лугово-солончаковых почв Ферганской области при раскрытии коробочек 50-60% сортов хлопчатника

С8290 и С 6775. Актуальные проблемы современной науки, (5), 62-64.

4. Имомалиев А.И., Худойберганов К. Мухим агротехника усуллари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги-Тошкент, 1980. №8.-Б.16.

5. Назаров Р. Ғўза баргини сунъий тўктириш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги-Тошкент, 2004, .№8.-Б.11.

6. Jones E.J., Wills G.D., Hanks J.E and A.B.Curry. Effect of adjuvants, nitrogen salts and ethephon on cotton defoliants, pp. 603-605. In Proceedings Beltwide Cotton Conference, Orlando, Fla., Jan.3-7, 1999.

7. Logan J., Gwathmey C.O. Effects of weather on cotton responses to harvest-aid chemicals. Journal of Cotton Science 2002.6:1-12.

8. Riley J.A. Monthly wather Rev.no 1985.-pp.89.

9. Насриддинов К. Мухим тадбир // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги-Тошкент, 1977,. №8.-Б.50.

10. Thead L.G. Flair boll opener (endothall), results from 1995-96 experimental use permit trails in southeastern United States. pp.1370-1371. In Proceedings Beltwide Cotton Conference, New Orleans, La., Jan.6-10, 1997.

11. Имомалиев А., Худойберганов К. Мухим агротехника усуллари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги-Тошкент, 1980, .№8.-Б.16.

12. Тўраходжаев Т., Арслонов Н. Дефолиация ва ҳосил // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги-Тошкент, 1985, .№8.-Б.18.

Поступило в редакцию 18.12.2024

УЎТ: 631.581.142-633.5.1

КРОТАЛЯРИЯ (CROTALARIA) ЭКИНИ НАМУНАЛАРИНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲУДУДИДА ЭРТАПИШАРЛИК КЎРСАТКИЧИ БЎЙИЧА ЎРГАНИШ

ИЗУЧЕНИЕ НА СКОРОСПЕЛОСТЬ ОБРАЗЦОВ КРОТАЛЯРИИ (CROTALARIA) В УСЛОВИЯХ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ

STUDY OF CROTALARIA SPECIMENS FOR EARLY MATURITY UNDER CONDITIONS OF TASHKENT REGION

*Амантурдиев Ботир Балкибаевич, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди
Абдимусаев Элмурод Рустам ўғли, катта илмий ходим*

*Амантурдиев Ботир Балкибаевич, кандидат сельскохозяйственных наук
Абдимусаев Элмурод Рустам ўғли, старший научный сотрудник*

*Amanturdiev Botir Balkibaevich, candidate of agricultural sciences
Abdimusayev Elmurod Rustam ugli, senior researcher*

Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий ишлаб чиқариш маркази.

Научно производственный центр по выращиванию и переработки лекарственных растений.

Scientific and production center for the cultivation and processing of medicinal plants.

Аннотация. Мақолада ўзига хос табиий иқлим шароитига эга бўлган Оролбўйи ҳудудида Кроталярия (*Crotalaria*) экинининг 110 та намуналари экиб ўрганилиб, фенологик кузатувлар натижасида танлаб олинган энг юқори қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган 20 та намуналарнинг Тошкент вилояти шароитида униб чиқиши, гуллаш даври, пишиб етилиши, бош поя баландлиги ва кўк масса ҳосилдорлиги бўйича олинган натижалар келтирилган.

Тошкент вилояти, Пискент тумани тажриба участкасида доривор кроталяриянинг (*Crotalaria*) 20 та намуна уруғлари 4 та такрорланишда экилиб, тажриба кўчатзори ташкил этилган. Ўсимликларнинг униб чиқиши, гуллаш фазаси ва пишиб етилиши бўйича кузатувлар олиб борилган. Кузатувлар натижалари статистик таҳлиллар асосида ўрганилган.

Тажриба кузатувлари натижасида йигирмата тур орасидан каталог рақами 20 Кроталярия (*Crotalaria juncea*) ва 24 Кроталярия (*Crotalaria incona*) турлари бошқа турларга нисбатан 4 кун илгари униб чиқиши аниқланди. Тадқиқотларда Кроталярия (*Crotalaria*) ўсимлигининг гуллаш фазаси, гуллаш оралиқ кунлари, пишиб етилиши ва кўк масса ҳосилдорлиги ўрганилган.

Калит сўзлар: тур, кроталярия, селекция, унувчанлик, гуллаш, кўк масса, фаза, ўсимлик, каталог, объект, нисбат, кун, рендомизация.

Аннотация. В статье представлены результаты 20 образцов культуры Кроталярия (*Crotalaria*) с наиболее хозяйственно ценными признаками. Которые были отобраны из посева 110 образцов на территории Приаралья со специфическими природно-климатическими условиями.

Опыты проводились в Пискентском районе Ташкентской области. На опытном участке было высеяно 20 образцов семян лекарственной кроталярии (*Crotalaria*) в 4 повторениях, организован опытный питомник. Проводились наблюдения за прорастанием, фазой цветения и созреванием растений. Результаты наблюдений изучались на основе статистического анализа. Экспериментальные наблюдения показали, что из двадцати видов образцы под номером каталога 20 Кроталярия (*Crotalaria juncea*) и 24 Кроталярия (*Crotalaria incona*) прорастают на 4 дня раньше, чем другие виды. В исследованиях изучалась фаза цветения и промежуточные дни цветения, созревания и урожайность зелёной массы растения Кроталярия (*Crotalaria*).

Ключевые слова: вид, кроталария, селекция, всхожесть, цветение, фаза, растение, зелёная масса, каталог, объект, относительный, день, рендомизация.

Abstract. The article presents the results of 20 samples of *Crotalaria* culture with the most economically valuable traits. Which were selected from the sowing of 110 samples in the Aral Sea region with specific natural and climatic conditions.

The experiments were conducted in Piskent district of Tashkent region. On the experimental plot 20 samples of seeds of medicinal crotalaria (*Crotalaria*) were sown in 4 repetitions and an experimental nursery was organized. Observations on germination, flowering phase and maturation of plants were carried out. The results of observations were studied by statistical analysis. Experimental observations showed that out of twenty species, specimens under catalog number 20 *Crotalaria* (*Crotalaria juncea*) and 24 *Crotalaria* (*Crotalaria incona*) germinated 4 days earlier than other species. In the research, the flowering phase and intermediate days of flowering, maturity and green mass yield of *Crotalaria* (*Crotalaria*) plant were studied.

Key words: Species, crotalaria, selection, germination, bloom, phase, plant, catalog, object, ratio, day, green mass, randomization.

КИРИШ

Кроталариянинг ватани Жанубий Осиё. Бугунги кунга қадар Ҳиндистонда кроталариянинг 80 дан ортиқ турлари учрайди. Шунингдек, Шри-Ланка, Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиё ҳудудида ҳамда Закавказ ҳудудида кроталария кенг тарқалган. Охириги пайтларда Африкада ҳам кроталария етиштиришга қизиқиш уйғонган. Ушбу минтақада баландлиги 30 см дан 10 м гача бўлган, кўп йиллик ёки бир йиллик, буталар ёки ярим буталар учрайди. Кроталария (лотинчаси *Crotalaria*) — дуккакдилар оиласига мансуб бўлиб, ўсимликларнинг йирик жинсли (*Fabaceae*) экин тури ҳисобланади.

Ўзбекистон тупроқ-иқлим шароитига кўра озиқ-овқат ва хом-ашё берувчи ўсимликларни етиштириш учун қулай минтақа ҳисобланади. Ҳозирда Ўзбекистоннинг бир қанча вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасининг орол бўйи шўрхок ерларида экилиб ўрганилмоқда (Бердикулов ва бошқ., 2023).

Республикамиз озиқ-овқат саноатининг энг асосий муаммоларидан бири бу оқсил масаласи, яъни инсониятнинг оқсилга бўлган талабини қондиришдир. Бу масалани ечишда дуккакли-дон экинларининг аҳамияти катта. Дуккакли-дон экинлар майдонларини кенгайтириш аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш, чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш ҳамда бошқа экинлар ҳосилдорлигини оширишда жуда аҳамиятлидир (Негматова, 2022).

Кроталария ўсимлиги биологик хусусияти билан турли тупроқ-иқлим шароитига мослашган бўлиб, уруғи озиқ-овқат маҳсулоти сифатида, пичани чорвачиликда юқори калорияли ем-хашак сифатида, деҳқончиликда тупроқ унумдорлигини оширишда ҳамда мелиоратив ҳолатини яхшилашда, табобатда турли касалликларни даволашда, асаларичиликда нектар манбаи, енгил саноат учун тола манбаи сифатида ишлатиш мумкин (Аберкулов ва бошқ., 2007).

Бу борада мош, кофе ўрнини босувчи, доривор ҳамда чорва маҳсулотларини етиштиришда ем хашак сифатида маҳсулдор, сифатли, Кроталария ўсимлигининг бир қанча турларини жамлаб унум-

чанлигини ва гуллаш даврини таҳлил қилиш устида тажриба олиб борилди.

Кроталария туркум ўсимликларидан бири *Crotalaria juncea* L. Доривор (дуккакли) оиланинг тропик Осиё ўсимликлари ҳисобланади. *Crotalaria juncea* ни келиб чиқиши Ҳиндистон ҳисобланиб, у ерда қишлоқ хўжалигининг дастлабки даврларидан бошлаб етиштирилган. Биринчи марта милoddан аввалги 400 йилда Санскрит адабиётида маълумот келтирилган (Tripathi ва бошқ., 2013). Айрим адабиётларда (Duke, 1983.) эса *Crotalaria juncea* ни келиб чиқиши аниқ эмас, аммо у Ҳиндистонда қадимги даврлардан бери етиштириб келинади.

L.Mannetje маълумотларига кўра, бу тропик ўсимлик жанубий Осиёдан Ғарб мамлакатларига XIX кириб келган (Mannetje, 2012). M.Tripathi ва бошқаларнинг маълумотларига кўра, *Crotalaria juncea* L. — бу кўплаб мамлакатларда, хусусан Ҳиндистонда юқори сифатли толаси учун етиштирилаётган кўп мақсадли тропик ва субтропик дуккакли ўсимлик ҳисобланади (Tripathi ва бошқ., 2013).

Ҳосили яшил гўнг учун, тупроқни мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун ўстирилади C.Cook ва G.White ларнинг маълумотларига кўра, *Crotalaria juncea* қишлоқ хўжалигида ерни экологик тозаловчи ва бегона ўтларга биологик курашувчи ўсимлик ҳисобланади (Cook, White, 1996). Кроталария туркум ўсимликлари дуккакли экин бўлганлиги учун илдизларида туганак бактерияларини тўплаб, тупроқ унумдорлигини оширади. Шунингдек, кроталария туркум ўсимликларидан мулча сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Дуккакли экиндан яшил гўнг эмас, балки органик мулча сифатида ишлатишнинг афзаллиги шундаки, ўсимлик мулча сифатида қолдирилганда қиш давомида тупроқда 30,4-32,2 кг/га азот ҳосил бўлади (Reeves ва бошқ., 1996).

A.Maroyi тавсиясига кўра, *Crotalaria juncea* “яшил гўнг” сифатида етиштирилганда экилгандан кейин 2 ой ичида ҳайдаб ташлаш керак, чунки бу даврда ўсимликлар тезроқ парчаланади ва ижобий азот тўплаш мувозанатига эга бўлади (Maroyi, 2011). S.Sarkar ва бошқалар маълумотларига кўра, *Crotalaria*

juncea Ҳиндистонда 1960 йилда 200 минг гектарга экилган бўлса, каноп етиштириш, синтетик толалардан фойдаланиш пасайгани ҳисобида 2000 йилларнинг охирида дуккакли ўсимлик сифатида қизиқиш қайта тикланиб, энг катта экин майдонида (майдон бўйича 27%) эга бўлган (Sarkar ва бошқ. 2015).

М.Аберкулов ва бошқалар *Crotalaria alatani* сидерат экин сифатида экиб, ўрнига ғўза ёки шоли етиштириб, мўл ҳосил олиш мумкинлигини тажрибаларда аниқлашган (Аберкулов ва бошқ., 2007).

ЎЗР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти ходимлари Д.Асилбекова ва бошқалар томонидан *C.alatani*нинг кимёвий таркиби ва озуқавий қиймати ўрганилган. Унга кўра Тошкент шароитида ўстирилган ўсимлик таркибида оқсил миқдори 9,3-13,5%, ёғ 2,3-3,7%, клетчатка 22,5-28,9%, кул 10,4-15,3% ни ташкил этган (Асилбекова ва бошқ., 2005).

Юқорида келтирилган адабиётлар таҳлилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, *Crotalaria* ҳар томонлама халқимиз эҳтиёжини қондирадиган экинлиги ва илмий томондан тўлиқ ўрганилмаганлигини ҳисобга олиб, уни етиштириш агротехникасини такомиллаштириб бориш ҳамда натижаларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш долзарб ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлилидан кўриниб турибдики, республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида асосий ва такрорий экин сифатида экиладиган доривор (дуккакли) экин-кроталарияни етиштириш агротехникаси, экиш муддатлари ва меъёрлари бўйича илмий-тадқиқот ишлари етарлича ўтказилмаган. Шунингдек, ушбу Кроталария (*Crotalaria*), доривор ўсимлигининг барқарор белги ва хусусиятларига эга бўлган навлари яратилмаган. Хорижда олиб борилган илмий ишлар, асосан унинг биологияси, унда кечадиган физиологик жараёнлар, кимёвий таркиби ва тупроқ унумдорлигини оширишдаги аҳамиятига қаратилган.

МАТЕРИАЛЛАР ВА УСЛУБЛАР

Тадқиқотлар “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий ишлаб чиқариш” марказининг Пискент тажриба участкасида олиб борилди. Тажриба майдонида ҳар бир ўсимлик турларидан 4 қайтариқда, 4 метрлик делянкаларга, жорий йилнинг 18 апрел куни Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» қўлланмаси (1985 йил) асосида экилди.

Тажрибани жойлаштириш, ҳисоб, биометрик таҳлиллар ва фенологик кузатувлар қишлоқ хўжалик экинлари Давлат нав синаш комиссиясининг (1985,1989) услуги, «Методика полевых опытов с зерновым культурами» (1971), «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (ЎЗПТИ, 2007) қўлланмалари асосида олиб борилган. Экспериментал маълумотларнинг статистик таҳлили Б.А. Доспеховнинг усулида амалга оширилди (1985). Фенологик кузатувлар униб чиқишидан бошлаб тўлиқ пишишигача олиб борилди.

НАТИЖАЛАР ВА МУНОЗАРА

Қишлоқ хўжалигида ўтказиладиган тадқиқотларнинг

бош вазифаси ўрганилишига мўлжалланган агротехник тадбирларнинг ҳамда ташқи таъсир этувчи омилларнинг ўсимликнинг унвчанлигига таъсирини илмий асослашдан иборат. Тажрибада 20 та турдан фойдаланилди; булардан (20) Кроталария (*Crotalaria juncea*), (24) Кроталария (*Crotalaria incona*), (28) Кроталария (*Crotalaria juncea*), (30) Кроталария (*Crotalaria incona*), (39) Кроталария (*Crotalaria incona*), (44) Кроталария (*Crotalaria juncea*), (53) Кроталария (*Crotalaria juncea*), (55) Кроталария (*Crotalaria juncea*), (56) Кроталария (*Crotalaria juncea*), (60) Кроталария (*Crotalaria spectabilis*), (65) Кроталария (*Crotalaria incona*), (68) Кроталария (*Crotalaria juncea*), (70) Кроталария (*Crotalaria juncea*), (71) Кроталария (*Crotalaria juncea*), (74) Кроталария (*Crotalaria juncea*), (78) Кроталария (*Crotalaria Montana*), (80) Кроталария (*Crotalaria juncea*), (90) Кроталария (Заошео Байха), (94) Кроталария (*Crotalaria spectabilis*), (96) Кроталария (*Crotalaria intermedia*) лар тадқиқот объекти сифатида танлаб олинди. Ўсимлик турларининг қимматли хўжалик белгилари юқори кўрсаткичларга эга бўлган ва танлаб олинган оилалари иштирокида Тошкент вилоятининг Пискент тажриба участкасида селекция кўчатзори ташкил қилинди.

Униб чиқиш кўрсаткичи бўйича бошқа намуналарга нисбатан 39 - каталог рақамли *Crotalaria incona*, 20 - каталог рақамли *Crotalaria juncea* ва 24 - каталог рақамли *Crotalaria incona* намуналарида ўртача 6 кунни ташкил қилган бўлса, қолган барча намуналарда 7,0 кундан 9.0 кунгача оралиқда униб чиққанлиги аниқланди (1-жадвал).

Кроталария (*Crotalaria*) ўсимлиги бўйича ўрганилаётган коллекция намуналарини гуллаш кўрсаткичини кун бўйича аниқлаганимизда 24 - каталог рақамли *Crotalaria incona*, 20 - каталог рақамли *Crotalaria juncea*, 28 - каталог рақамли *Crotalaria juncea*, 30 - каталог рақамли *Crotalaria incona*, 56 - каталог рақамли *Crotalaria juncea*, 68 - каталог рақамли *Crotalaria juncea*, 74 - каталог рақамли *Crotalaria juncea*, 78 - каталог рақамли *Crotalaria Montana*, 80 - каталог рақамли *Crotalaria juncea* ва 94 - каталог рақамли *Crotalaria spectabilis* намуналарида 32 кунни ташкил қилди. 39 - каталог рақамли *Crotalaria incona* намунасида 34 кунни ташкил қилган бўлса, қолган барча намуналарда 32 кундан 36 кунгача оралиқни ташкил қилди.

Пишиб етилиши кўрсаткичи бўйича ўрганилганида энг тезпишар намуналардан 53 - каталог рақамли *Crotalaria juncea*, 70 - каталог рақамли *Crotalaria juncea*, 90-каталог рақамли За - щео-е-Бай-ха намуналарида 128 кунни ташкил қилди. 39 - каталог рақамли *Crotalaria incona*, 44 - каталог рақамли *Crotalaria juncea*, 71 - каталог рақамли *Crotalaria juncea*, 78 - каталог рақамли *Crotalaria Montana* ва 96 - каталог рақамли *Crotalaria intermedia* намуналарида 130 кунни ташкил қилган бўлса, қолган барча намуналар оралиқ ҳолатда

1-жадвал

Пискент тажриба участкасида экиб ўрганилган кроталария (*Crotalaria*) намуналари бўйича
фенологик кузатувлар маълумотлари (2024 йил)

Т/р	Коллекция рақами	Нав ёки намуна номи	Униб чиқиши, (кун)	Гуллаши (кун)	Пишиб етилиши (кун)
1	20	Кроталария (<i>Crotalaria juncea</i>)	5	32	132
2	24	Кроталария (<i>Crotalaria incona</i>)	5	32	134
3	28	Кроталария (<i>Crotalaria juncea</i>)	8	32	134
4	30	Кроталария (<i>Crotalaria incona</i>)	8	32	136
5	39	Кроталария (<i>Crotalaria incona</i>)	7	34	130
6	44	Кроталария (<i>Crotalaria juncea</i>)	8	35	130
7	53	Кроталария (<i>Crotalaria juncea</i>)	9	36	128
8	55	Кроталария (<i>Crotalaria juncea</i>)	9	35	131
9	56	Кроталария (<i>Crotalaria juncea</i>)	8	32	133
10	60	Кроталария (<i>Crotalaria spectabilis</i>)	7	35	135
11	65	Кроталария (<i>Crotalaria incona</i>)	7	36	134
12	68	Кроталария (<i>Crotalaria juncea</i>)	8	32	136
13	70	Кроталария (<i>Crotalaria juncea</i>)	8	36	128
14	71	Кроталария (<i>Crotalaria juncea</i>)	8	35	130
15	74	Кроталария (<i>Crotalaria juncea</i>)	8	32	132
16	78	Кроталария (<i>Crotalaria Montana</i>)	8	32	130
17	80	Кроталария (<i>Crotalaria juncea</i>)	8	32	131
18	90	Кроталария (Заошео Байха)	8	34	128
19	94	Кроталария (<i>Crotalaria spectabilis</i>)	9	32	131
20	96	Кроталария (<i>Crotalaria intermedia</i>)	9	36	130

2-жадвал

Пискент тажриба участкасида экиб ўрганилган кроталария (*Crotalaria*) намуналари орасида
эртапишарлиги бўйича ажратиб олинган намуналар маълумотлари (2024 йил)

Т/р	Коллекция рақами	Нав ёки намуна номи	Бошпоя баландлиги, см	Кўк масса ҳосилдорлиги, ц/га	Пишиб етилиши (кун)
1	53	Кроталария (<i>Crotalaria juncea</i>)	197	236	128,0
2	70	Кроталария (<i>Crotalaria juncea</i>)	260	256	128,0
3	90	Кроталария (Заошео Байха)	218	242	128,0
4	39	Кроталария (<i>Crotalaria incona</i>)	204	248	130,0
5	78	Кроталария (<i>Crotalaria Montana</i>)	196	241	130,0
6	44	Кроталария (<i>Crotalaria juncea</i>)	204	225	130,0
7	71	Кроталария (<i>Crotalaria juncea</i>)	208	234	130,0
8	96	Кроталария (<i>Crotalaria intermedia</i>)	198	246	130,0

бўлиб, 130 кундан 136 кунгача оралиқни ташкил қилди.

Кроталария намуналарини Пискент тажриба участкасида экиб, пишиб етилиши кўрсаткичи бўйича ўрганилганида энг тезпишар 131 кунгача пишиб етилган намуналарнинг барчаси танлаб олинди ва бу намуналар 8 тани ташкил қилди. Ушбу намуналарнинг бошпоя баландлиги ва кўк масса ҳосилдорлиги ўрганилганида қуйидагича натижалар олинди (2-жадвал).

Тезпишарлиги бўйича танлаб олинган намуналарда кўк масса ҳосилдорлиги ўрганилганида, энг юқори кўрсаткич 70 - каталог рақамли *Crotalaria juncea* намунада кузатилиб, 256 центнер гектарни ташкил қилди. Энг кам ҳосилдорлик 44 - каталог рақамли *Crotalaria*

juncea да кузатилиб, 225 центнер гектарни ташкил қилди. Қолган намуналарда оралиқ ҳосилдорлик кузатилди.

Август ойининг охирларида (24.08) ўсимликнинг баландлиги 180-250 см бўлиб, энг баланд намуна 260 см ни ташкил қилди.

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, тезпишарлик кўрсаткичи бўйича 53- ва 70-каталог рақамли *Crotalaria juncea* намунаси ҳамда 90-каталог рақамли За – щео-е-Бай-ха намуналари бошқа намуналарга нисбатан тезпишарлиги билан ажралиб турди, кўк масса ҳосилдорлиги бўйича энг юқори кўрсаткич 70 рақамли *Crotalaria juncea* намунасида кузатилиб, 256 центнер гектарни ташкил қилди.

ХУЛОСА

Тажиба таҳлиллари шуни кўрсатдики, Кроталариянинг (*Crotalaria*) 20 та тур орасидан каталог рақами 20 бўлган Кроталария (*Crotalaria juncea*) ва 24 Кроталария (*Crotalaria incona*) турлари бошқа турларга нисбатан 4 кунга илгари униб чиқиши кузатилди.

Шунингдек, айни ушбу иккита турнинг Тошкент вилояти шароитидаги унвчанлиги, Оролбўйи ҳудудидаги унвчанлигига нисбатан икки кун барвақт бўлганлиги аниқланди.

Кроталариянинг (*Crotalaria*) 20 та тур орасидан гуллаш даври юқори бўлган турлари аниқланди. Булардан каталог рақами 44 бўлган Кроталария (*Crotalaria juncea*) ва 70 Кроталария (*Crotalaria juncea*) турлари ҳамда 96-каталог рақамли “*Crotalaria intermedia*” 46 кунда 94% гуллади. Гуллаш жараёни бошқа ўсимликларда 57%-68% ни ташкил қилиб, бирмунча кечроқ эканлиги аниқланди.

Гуллаш даври бўйича эса аксинча ҳолат кузатилди. Яъни ажратиб олинган 4 турдаги намуналарнинг Тошкент вилоятидаги гуллаш даврини, ушбу намуналарнинг Оролбўйи ҳудудида гуллашига қиёслаганда икки кун кечроқ гуллагани намоён бўлди.

Пишиб етилиши кўрсаткичи бўйича энг тезпишар намуналардан 53 - каталог рақамли *Crotalaria juncea*, 70 - каталог рақамли *Crotalaria juncea*, 90-каталог рақамли 3а – щео-е-Бай-ха намуналарида 128 кунни ташкил қилди. Қолган барча намуналар 130 кундан 136 кунгача бўлган оралиқни ташкил қилди.

Кўк масса ҳосилдорлиги бўйича 70 - каталог рақамли *Crotalaria juncea* намунадасида 256 центнер гектарни ташкил қилди.

Бош поянинг баландлиги бўйича 70 - каталог рақамли *Crotalaria juncea* энг баланд намуна (260 см) сифатида аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Дала тажибаларини ўтказиш услублари. Тошкент, 2007. Б. 16-22.
2. Аллашов Б.Д., Жамолов С.Ф. “Сугориладиган майдонларда озукабоп экинларни етиштириш” ўқув услубий қўлланма – Тошкент, 2019. Б. 21
3. Негматова С.Т. Қишлоқ хўжалигида ерни экологик тозаловчи ноанъанавий экин - Кроталария (*Crotalaria juncea* L.). Бутун жаҳон атроф муҳит кунига бағишланган “Экологик стартапларни ҳаётга тадбиқ этиш” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент-2022, 34-35 б.
4. Аберкулов М, Кидербаева А, Турсунов Қ. Кроталария ўсимлигидан сидерат сифатида фойдаланиш имкониятлари. Состояние селекции и семеноводства хлопчатника и перспективы ее развития: материалы международной научно-практической конференции. Ташкент, 2007, -с. 270-272.
5. Асилбекова Д.Т., Ульченко Н.Т., Рахимова Н.К., Нигматулаев А.М., Глушенкова А.И. Липиды семян *Crotalaria alata* и *Guizotia abyssinica*. Химия природных соединений. Ташкент, 2005, №5, -488-489 с 3. Cook. C.G and White G.A. *Crotalaria juncea*: a potential multi-purpose fiber crop. In J. Janick (ed.), Progress in new crops. ASHS Press, Arlington, VA. 1996. p. 389- 394
6. Юлибаси З. Ем-хашак ўсимлик *Crotalaria alata* L.-такрорий экин сифатида қўлланилиш имкониятлари. // Ўзбекистон аграр фани хабарномаси. Тошкент-2012. № 1-2 (47-48), 7-9. Б.
7. Braz G. B. P., Oliveira R. S., Crow W. T. and Chase C. A. Susceptibility of different accessions of *Crotalaria juncea* to *Belonolaimus longicaudatus*. Nematropica 46: 2016. Pp. 31–37.
8. Cherr. C.M., Scholberg J.M. and McSorley R. Green manure approaches to crop production: a synthesis. 2006. PP. 302-319.
9. Reeves D. W., Mansoer Z., Wood C. W. Suitability of sunn hemp as an alternative legume cover crop. in Proceedings of the New Technology and Conservation Tillage. University of Tennessee Agricultural Experiment Station, Tennessee. 1996. 96 (7): PP. 125-130.
10. Rotar, P.P. and Joy R. ‘Tropic Sun’ sunn hemp, *Crotalaria juncea* L. Univ. of Hawaii, College of Tropical Agr. and Human Resources, Tropical Ag. and a series of 36 studies on human resources. 1983. 7. Pp.
11. Tripathi M. K., Chaudhary B., Sarkar S. K., Singh S. R., Bhandari H. R., Mahapatra B. S. Performance of sunn hemp (*Crotalaria juncea* L.) as a summer season crop for fibre. J. Agric. Sci., 2013. 5 (3): PP. 236-242.
12. Cook. C.G and White G.A. *Crotalaria juncea*: a potential multi-purpose fiber crop. In J. Janick (ed.), Progress in new crops. ASHS Press, Arlington, VA. 1996. p. 389- 394

Муаллифлар ҳақида маълумот:

Амантурдиев Ботир Балкибаевич, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий ишлаб чиқариш маркази, лаборатория мудири (Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Олтинтопган кўчаси 15-уй.) ORCID 0009-0008-5653-9212

Абдимусаев Элмурод Рустам ўғли, Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий ишлаб чиқариш маркази катта илмий ходими (Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Олтинтопган кўчаси 15-уй.) ORCID 0009-0000-0867-9490

Поступило в редакцию 18.12.2024

УЎТ: 633.11:631.8+559

**MINERAL VA BIOLOGIK O'G'ITLARDAN FOYDALANGANDA
BUG'DOY NAVLARINING HOSILDORLIGI**

**УРОЖАЙНОСТЬ СОРТОВ ПШЕНИЦЫ ПРИ ИСПОЛЬЗОВАНИИ
МИНЕРАЛЬНЫХ И БИОЛОГИЧЕСКИХ УДОБРЕНИЙ**

**PRODUCTIVITY OF WHEAT VARIETIES USING MINERAL AND
BIOLOGICAL FERTILIZERS**

Rasulzoda Baxtiyor Rahmonberdi, qishloq xo'jaligi fanlari nomzodi, dotsent

Расулзода Бахтиёр Рахмонберди, к.с.-х.н., доцент

Rasulzoda Bakhtiyor Rahmonberdi, PhD in Agricultural Sciences, Associate Professor

Dang'ara davlat universiteti

Дангаринский государственный университет

Dangara State University

